

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

РАВШАНОВА ГУЛРУХБЕГИМ ҚАҲРАМОН ҚИЗИ

**ТУРКИЙ “ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО”ЛАРНИНГ
МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

5А 111201 – ўзбек тили ва адабиёти

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Филол. фан. доктори, Н. ШОДМОНОВ

Қарши-2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
I БОБ. Туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг манбалари ва уларнинг даврий таснифи.....	
1. 1. Туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг манбалари.....	
1. 2. “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг даврий таснифи.....	
I боб бўйича хулоса.....	
II БОБ .Туркий ”Юсуф ва Зулайхо”ларнинг жанрий-тавсифий ва мавзуий хусусиятлари.....	
2. 1. Туркий ”Юсуф ва Зулайхо”ларнинг жанрий-тавсифий хусусиятлари...	
2. 2. Туркий ”Юсуф ва Зулайхо”ларнинг мавзуий хусусиятлари.....	
II боб бўйича хулоса.....	
III БОБ. ”Юсуф ва Зулайхо” таржималари, нашрлари ва текстологик таҳлили.....	
3.1. Форсий ”Юсуф ва Зулайхо”ларнинг ўзбекча таржималари.....	
3.2. ”Юсуф ва Зулайхо”ларнинг нашрлари ва текстологик таҳлили.....	
III боб бўйича хулоса.....	
Умумий хулосалар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

1.Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Мустақиллик шарофати туфайли республикамизда ижтимоий-иқсодий ва маънавий жабҳаларда янгиланиш ва ислоҳотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

Ўзбекистон ҳукумати ва Президент И. А. Каримовнинг илм ва маориф соҳасига юксак эътибори ва талаблари асосида маданий мерос, шу жумладан, бадиий ижод ва унинг тарихига янгича қараш шаклланмоқда. Ахборот алмашинуви тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда филология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги талаб ва андозалари асосида тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, шу орқали маънавий меросимизнинг умуминсоний аҳамиятини ёрқинроқ намоён этиш давр талабидир. Инсоният тараққиётининг умумий қонуниятлари ва анъаналари, уларнинг ўзбек мумтоз адабиётида намоён бўлиши, аجدодларимиз бадиий меросининг мазкур қонуниятлар такомилидаги улкан ҳиссасини ёритиш ўзбек адабиётшунослигининг бирламчи вазифасидир. Замонавий адабиётшунослик олдига иккита муҳим ва долзарб вазифа туради:

1. Мумтоз адабиётимизнинг собиқ иттифоқ даврида етарли эътибор қаратилмаган муҳим назарий қонунлари, жаҳон адабиёти билан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”. 1997й. 140-бет.

интеграциялашуви жараёнини кузатиш ва таҳлил қилишга ёрдам берадиган поэтик қирраларини ёритиш;

2. Турли сабабларга кўра кўлёзма фондларида сақланаётган, етарли ўрганилмаган асарлар ва уларнинг нусхаларини тадқиқот доирасига тортиш ҳамда уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган мавқеини белгилаш.

Асарлар тўфони оша даҳоларимиз халқ орзу-умидларини битикларда акс эттириб келганлар. Истибдод аждодлар меросидан баҳраманд бўлишга монъелик қилгани сир эмас. Истиқлолга эришилгач, маънавий-маданий меросга янгича қараш ва баҳо бериш, унинг давлатимиз ва жамиятимизни янада юксалтиришдаги муҳим аҳамиятини илмий-амалий асослаш зарурати туғилди. Чунки давлат ва жамиятнинг бойлиги, биринчи галда, маънавий бойликлар билан ўлчанилиши маълум ҳақиқат.

“Жамиятнинг энг олий бойлиги кудратли салоҳиятини ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади”¹. Ана шу қадрият ва мероснинг узвий, ажралмас қисми бўлган мумтоз адабиётнинг маънавиятимиз такомил босқичидаги аҳамияти беқиёс. Халқимиз бой маданий меросга – жаҳон адабиёти дурдоналари сафидан муносиб ўрин эгаллаган бадий жихатдан юксак ёзма адабиёт намуналарига эга. Бу манбалар келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлодни Ватанга, халққа, қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Собиқ иттифоқ даврида мумтоз адабиётимиз тарихи ва манбаларини ўрганишга киришилиб, кўплаб эътиборга молик тадқиқотлар яратилди. Лекин республикаимизнинг кўплаб кўлёзма фондларида тўпланган юзлаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”. 1997й. 140-бет.

асарлар ҳали тўлалигича ўз илмий баҳосини топганича йўқ. “ Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган қўлёзма асарлар бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди”¹.

Шарқ адабиёти тарихида “Юсуф қиссаси” кенг тарқалган. “Қиссаи Юсуф”, “Юсуф ва Зулайхо” ва бошқа номлар билан юз элликка яқин ижодкорнинг асар яратгани маълум. Туркий тилда битилган “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг ўзи қирқ бешдан ортиқ. Унинг форс-араб тилларидаги турли вариантлари ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос мавзулар мажмуи ва талқинларга эга. Юсуф қиссаси Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари билан бошланди. Кейинчалик Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузаштига бағишлаб дostonлар ёзила бошланди. Бу дostonларнинг дастлабкиси XIII асрда ёзилган бўлсада бу асар XX асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юсуф ва Зулайхо муҳаббати асос қилиб олинган қисса ва дostonлар ўзбек адабиётида катта салмоққа эга. Улар даврий жиҳатдан ҳам, географик жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланади. Шунингдек, уларнинг мавзу кўлами ва бадиий хусусиятларида ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари уларнинг яратилиш услуби, образлар тизими, сюжет ва композициялари ва тилида ҳам тафовутлар мавжуд. Лекин булар ҳозиргача алоҳида ҳолда тадқиқотга тортилмаган.

2.Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Ўзбек адабиёти тарихида яратилган қисса ва дostonларнинг қўлёзма ва нашр матнлари.

¹ Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Т.: “Ўзбекистон”. 1998 й. 32-бет.

Тадқиқотнинг предметини эса бугунга қадар яратилган “Юсуф ва Зулайхо” қисса ва дostonлари, ўзбек адабиётига доир илмий манбалар, Ўз РФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№ 1391 рақам остидаги қўлёзма манбалари ташкил этади.

3.Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади Юсуф қиссасининг тадрижий таракқиётини ва унинг муаллифлари бадиий тафаккури ҳамда ғоявий-ахлоқий қарашлардаги фарқларни аниқлаш. Шунингдек, бир сюжет асосида яратилган бир неча асарларнинг эстетик ва текстологик хусусиятларига ойдинлик киритишдан иборат.

Бу мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш асосида эришилади

- туркий тилда яратилган бир сюжетли “Юсуф ва Зулайхо” асарларини аниқлаш ва тўплаш;
- туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг манбаларини аниқлаш;
- туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг мавзуй таснифлаш;
- туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг жанрий-тавсифий хусусиятларини белгилаш;
- форс тилидан қилинган таржималарни аниқлаш;
- “Юсуф ва Зулайхо” матнларини даврлаштириш;
- “Юсуф ва Зулайхо” матнларининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш;
- “Юсуф ва Зулайхо” нашрларининг хусусиятларини аниқлаш кабилардан иборат.

4. Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.

5. Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маънавий мерос, миллий маданиятнинг ривожланиши,

ўзликни англаш ҳақидаги фалсафий фикрлари, ўзбек адабиётшунослиги ва матншунослигида олиб борилган тадқиқотлар методологик асос қилиб олинди.

6. Тадқиқот усуллари.

7. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишидан “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” фанида Дурбек, Андалиб, Жомий, Огаҳий ва Холис каби шоирлар ижодини назарий таҳлил қилишда ҳамда мазкур шоирлар фаолиятига доир илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Таълимда “Ўзбек мумтоз адабиёти” дарсларини олиб боришда, битирув-малакавий иши, курс иши кабиларни ёзишда диссертациядан амалий фойдаланиш мумкин.

8. Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишида бир сюжет асосида яратилган бир неча асарлар матни текстологик таҳлил қилинди. Улар даврлаштирилди, таржималар аниқланди, жанрий-тавсифий ва мавзуй хусусиятларига аниқлик киритилди.

9. Натижаларнинг жорий ва эълон қилиниши.

10. Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

I.БОБ. Туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг манбалари ва уларнинг ўрганилиши

I.1. Туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг манбалари

Шарқ адабиёти ўзининг ниҳоятда бой меросига эга. У узоқ асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб келди. Бир асар доирасида кўплаб муаммоларни ёритиш, бадиий асарнинг ҳар бир образи, композицион элементи серқирра мазмун ва фалсафий тафаккур билан боғлиқ бўлиши форс-тожик ва туркий тиллардаги Шарқ адабиётининг мукамаллигини белгиловчи омилдир. Бу хусусият сайёр сюжетли асарлар яратиш анъанасида кўзга ташланади.

Сайёр сюжет мақомида Шарқ халқлари адабиётида “Юсуф ва Зулайхо”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Тоҳир ва Зухра” сингари нодир дурдоналарнинг хилма-хил намуналари яратилди. Санаб ўтилган сайёр воқеаларнинг айримларидан ўнлаб, ҳатто юзлаб асарлар яратилди.

Шарқ адабиётида “Аҳсанул-қисас” номи билан машҳур қиссалардан Ҳазрати Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “Юсуф ва Зулайхо” туркум дostonлари ҳам ана шундай йўналишга мансублиги билан аҳамиятлидир. Кўп сонли ижод аҳлини ўзига тортган бу илоҳий қисса тиллардан-тилларга, эллардан-элларга, диллардан-дилларга ўтиб, янгича қиёфа ва мазмун касб этди. Бу қисса нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам қалам аҳлини ўзига жалб эта олди. Дастлаб, исломгача бўлган динларнинг муқаддас китобларида, хусусан, яҳудийларнинг муқаддас китоби “Таврот”да зикр этилган Яъқуб пайғамбар ва унинг ўғиллари ҳақидаги ривоятлар кейинчалик Қуръони каримда махсус сура тарзида, Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётларининг энг қайғули кунларида- яқинлари Ҳадича ва Абу Толибдан ажраган, ғанимлари томонидан азият чекиб қийналиб юрган кезларида нозил бўлган. Гўёки Оллоҳ таоло суюкли пайғамбари ва у зотнинг барча

умматларига бошларига кулфат тушганда, золим кишиларнинг зулму ситамларига сабр-бардош қилиб, ўз динига содиқ бўлсалар Парвардигори олам уларни бу зулмлардан ва тангликдан халос қилиб, бахтли-саодатли кунларга етказажagini уқтираётгандек. Шундай асарлардан бирида: “Ҳар қандай ғам-ташвишга ботган маҳзун киши Юсуф сурасини эшитиши билан ором-осойиш топура”¹, дейилади. Ушбу сура 111 оятдан иборат бўлиб, унинг назмдаги латофату жозибасидан шоиру адиблар мутаассир бўлиб, кўп асрлар давомида ўнлаб гўзал шеърлар, қиссалар битганлар. Юсуф қиссаси Таврот орқали Ғарб, Қуръони карим орқали Шарқ адабиётига ёйилди.

Достоннинг неча асрлардан бери севиб ўқилиб, кўчирилиб келаётганлигининг асосий сабаби унда соф, беғубор ва ҳақиқий севгининг бадий ифодаланишидир. Зулайхони тушида мафтун этган йигитга – Юсуфга бўлган севгисига умрининг охиригача содиқ қолади. У ўз севгиси учун курашади. Бунинг учун у ҳийла ва ҳаттоки тухмат қилишдан ҳам қайтмайди. Орадан қирқ йил ўтиб, Юсуфнинг қалбида ҳам муҳаббат ғунчаси барқ ургандагина Зулайхо орзусига эришади.

“Юсуф ва Зулайхо” ишқий саргузашти ҳақидаги сюжетнинг тарихи араб ва яҳудий халқларнинг қадимий оғзаки ижодига бориб тақалади. Бироқ уни фақат шу халқларнинг қадимги оғзаки ижодигагини боғлаб кўрсатиш бир ёқламалик бўлади². Чунки бошқа халқлар ижодида ҳам Юсуф ва Зулайхо мавзуидаги афсона, ривоят ва эртаклар учрайди. Чунончи татар олимлари Юсуф ва Зулайхо мавзуидаги айрим лавҳаларнинг маънавий илдизларини Вавилонда яратилган (милoddан аввалги 3-4 минг йиллик) Тамуза ва Иштар сирофиникияликлар ижодиётига дахлдор (милoddан аввалги 2 минг йил олдин), Адонис ва Астрата мисрликларнинг Осирис ва Исида мифларига уланишига ишора қилинади. Туркман халқи эса Юсуф ҳақида эртак яратган.

¹ Қуръони карим. (А. Мансур таҳрири остида), Т.: “Чўлпон”, 1992 й. 197-210-бет.

² Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” достонининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж қўлёзмаси ҳақида. Адабий мерос. 1973 й. №3. 152-157 бетлар.

Унда Юсуфнинг гўзаллиги ва келажакдаги шуҳратига ҳасад қилган акалари уни қудуққа ташлайдилар. Юсуфни қудуқ олдидан ўтиб кетаётган карвон кутқариб олади. Бундан хабар топган акалари Юсуфни қочоқ қул сифатида карвонбошига сотадилар. Карвон Миср шаҳрига йўл олади. Миср подшосининг қизи Зулайхо Юсуфнинг тенгсиз чиройи ҳақидаги овозаларни эшитибок унга ошиқ бўлиб қолади. Аммо Юсуф унинг севгисини рад этади ва бунинг учун зиндонбанд қилинади. У барча ситамлар-у руҳий азобларга сабр қилади, оқибатда эса Миср юртининг шоҳи бўлади. Зулайхо билан оила куради. Ватанига чексиз муҳаббати туфайли шоҳлигидан воз кечиб, Канъонга- туғилган ўлкасига қайтади. Эртақнинг қисқача мазмуни шундан иборат¹.

“Юсуф ва Зулайхо” қиссаси халқ оғзаки ижодидан сўнг Таврот, Инжил ва Қуръони Карим сингари илоҳий китоблардан жой олди. Бу эса мазкур қиссанинг муқаддаслаштирилишини таъминлаган омил бўлди. Натижада тарихнинг ҳамма босқичларида турли эътиқоддаги ижодкорлар бу илоҳий қиссага қизиқиб, унинг асосида нафақат шеърӣй ва насрий, балки драматик бадиӣй асарлар ҳам ярата бошлади.

Дастлаб диний афсона тарзида майдонга келган бу ривоятлар кейинчалик улуғ сўз санъаткорларини ўзига жалб этган ва турли ҳажмда назмӣй ва насрий йўлда ишланиб бадиӣй асарлар яратилган.

Мазкур мавзуда 150 га яқин турли жанрдаги асарлар яратилган бўлса, 45 тадан ортиғи туркий тилда ёзилгани эътиборга моликдир. Навоӣй мазкур ривоятларга асосланиб, буюк ёзувчиларнинг сара дostonлар яратгани ҳақида маълумот берган: “Юсуф қиссаси андин машҳурроқдирким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчукким ғаробати ва ширинлиги учун кўп акобир ҳам

¹ Сафарова Ҳ. Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом” асари манбалари, филол.фан. номзоди илмӣй даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2001 й.

назм ва ҳам насрнинг шарҳ асбобин тузубтурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубтурлар”¹.

Туркий халқлар орасида “Қисасул анбиё” номи билан машҳур Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида Юсуф ҳақида “Қиссаи Юсуф” боби мавжуд бўлиб, насрда яратилган энг гўзал қиссалардан биридир.

Асарда қисса нега “Аҳсанул-қисас” деб аталишига 9 та жавоб берилган:

Биринчи жавоб: “Ул турурким Қуръон ичидаги ҳамма қиссалардин зиёда, фойдаси кўп Юсуф қиссаси турур”.

Иккинчи жавоб: “Бу қисса аввалидан охиригача баъзи гап 40 йил, баъзи гап 80 йил кечти. Шунинг учун “Аҳсанул-қисас” деди”.

Учинчи жавоб: “Бошқа қиссаларда, бошқа оятларда келмиш, аммо Юсуф қиссаси тўлалигича бу сурада келди”.

Тўртинчи жавоб: “Бошқа қиссаларда ёт кишилар орасинда эди, аммо Юсуф қиссаси ота-она яна ўғлонлари орасида эди”.

Бешинчи жавоб: “Бу қиссада уч ҳол бор: роҳатда, машаққатда, Оллоҳ тоатида, халойиқлар орасида эзгу муомала қилмоқ, кенгликда торликда очиқ тутмоқ”.

Олтинчи жавоб: “Юсуф қариндошлари бирла эзгу муомала қилди яна уларнинг жафосига сабр қилди”.

Еттинчи жавоб: “Бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди”.

Саккизинчи жавоб: “Бу қисса ишқ бирла тамом бўлди”.

Тўққизинчи жавоб: “Расул алайҳиссалом ёрлақоди, кимки ўн тўрт кунлик балоға илинса ўн сурани ўқусун, кимки бу ўн турлук қайғу мандин кетсун деса “Юсуф” сурадин ўқусун”².

Бироқ “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси диний китобларда қолиб кетмади. У ёзма адабиётдан ҳам кенг ўрин олди, ривожланиб, такомиллашиб борди. Бу

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 8-жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Т.: “F Фулом”. 2011 й. 539-604 бетлар.

² Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Т.: “Ёзувчи”. 1991 й. 93-103-бетлар.

мавзу кўплаб улуғ сўз санъаткорларини ўзига жалб этди ва кўплаб шоҳ асарлар яратилди.

Қиссининг бу қадар катта шуҳрат қозониши, турли давр ва халқларга мансуб бўлган ижодкорлар томонидан қайта-қайта қаламга олинishi бежиз эмас. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси ранг-баранг ғоявий ва тасвирий имкониятларга бой бўлиб, унга мурожаат қилган ҳар бир ижодкор ўз ғоявий нияти ва руҳий дунёсига уйғун нуқталарни топиши мумкин бўлган ғоят замири асардир. Юсуф ҳақидаги илк насрий қиссалардан бирининг муаллифи Абдуллоҳ Ансорий “Қуръон”даги Юсуф қиссаси тўғрисида шундай деб ёзади:” Бу муборақ сураининг ўн номи бор: олимлар уни огоҳлик сураси, ҳақимлар сураи ҳусн, зоҳидлар сураи зуҳд, обидлар сураи панд, орифлар сураи ризо, ғамлилар сураи роҳат, ошиқлар сураи муҳаббат, муридлар сураи ишқ, осмон фаришталари сураи тавба, зиндонбандлар сураи риёзат, қолган авом сураи Юсуф деб атайдилар”¹.

Илоҳий манбаларда қайта-қайта тилга олинган Юсуф ва Зулайхо муҳаббати маҳаллий ижодкорларга ҳам кучли таъсир қилди ва улар ҳам бу гўзал қиссага қайта-қайта мурожаат этишди. Бу мавзуда форс-тожик тилида илк бор Абул Муайят Балхий ва Бахтиёр Ахвазийлар бўлди. Кейинчалик бу мавзунини Абулқосим Фирдавсий Тусий қайта ишлаб, шеърини дoston шаклига киритди. Аниқроғи, Юсуф мавзуси Шарқ халқлари адабиётида биринчи мартаба буюк форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934-1020) томонидан ишланди. Бу фикрни Н.М.Маллаев ҳам ўзининг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида тасдиқлайди: “Бу мавзуда яратилган энг қадимги бадий асарлардан бири Фирдавсий номига нисбат берилган “Юсуф ва Зулайхо” достонидир”². Фирдавсий “Шоҳнома”га бўлган ишончини йўқотгач, ўзи туғилган қишлоғидан кетишга мажбур бўлади. Қарилик ва дарбадарликда яшашга мажбур бўлгач, унинг моддий ва маънавий аҳволи яна ҳам

¹ Қурбонов А. “Юсуф ва Зулайхо” қиссасининг ижодий талқинлари/ Ўзбек тили ва адабиёти, 1997 й, №1, 47-бет.

² Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: “Фан”. 1965 й. 274-бет.

оғирлашади. Ватанига қайтиш орзуси билан ёнган, 80 ёшдан ошиб қолган хорғин шоир Боғдодда яшар экан, Қуръондан олинган ривотлар асосида “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзади. Шоир достонни Қуръондаги қиссадан узоқлаштиришга уринди ва буни амалга оширди. Достондаги ғоя кишиларни хар қандай қийинчиликка бардош беришгагина эмас, балки замондаги кулликка, зўрликка, адолатсизликка қарши норозилик билдиришга ҳам чақиради. Фирдавсий она шахридан ажралганини, сарсон-саргардон юрганларини достонга сингдириб юборади. Бу достоннинг бошланғич қисмини “Тавбанома” деб атайд¹. Унда шоир энди қадимий паҳлавонлар ҳақида оғиз очмасликка қасамёд қилади. Бутун умрини сарф этиб вужудга келтирган фарзанди “Шоҳнома” ва ундаги ажойиб қаҳрамонлардан юз ўгириб, қуйидаги мисраларни ёзади:

Шоҳлардан ёзмайман энди мен асло,
Даргоҳи кўнглимга урди мутлақо,
Беҳуда гапларни айтмай энди ҳеч
Ақл дер, беҳуда лоф урмоқдан кеч!²

Фирдавсийдан кейин XI аср бошларида яшаган бухоролик шоир Шаҳобиддин Амъақ Бухорий ҳам шу мавзуда асар ёзганлигини С.Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертациясида алоҳида таъкидлаб ўтади: ”Унинг асари Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонига тақлид қилиб ёзилган. Лекин бизгача етиб келмаган. Фақат унинг 600 байтга яқин парчаси шоирнинг лирик девонида сақланиб қолган”. Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳам бу мавзуга мурожаат қилган ва насрий йўлда “Қиссату Юсуф” (Юсуф қиссаси) асарини яратган.

И.Санаев “XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити” асида Юсуф қиссасининг ўзбек адабиёти

¹ Фирдавсий А. Шоҳнома. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.и 1984 й.5-12-бетлар.

² Фирдавсий А. Шоҳнома. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.и 1984 й.5-12-бетлар.

тарихида кўплаб ижодкорларни ўзига жалб қилганлигини қуйидагича ёзади: “Ўзбек адабиёти тарихида гўзал Юсуф мавзуси биринчи марта Али исмли шоирни кизиқтирган. Али томонидан Қуръондагиасосий воқеалар илгари сурилади. Е.Э.Бертельснинг кўрсатишича, Али Хоразмлик бўлган. У форс муаллифларига тақлид қилмасдан асар ёзишга киришди. Унинг асари халқ оғзаки ижодига хос тўртлик шаклида ёзилган. Бу шакл турк халқлари оғзаки ижодига жуда яқин. Алининг қиссаси мазмун томонидан ҳам форс поэзияси билан боғланмаган. У Қуръон вариантыга амал қилади. Али Қуръонда берилган афсонавий қиссани туркий халқлар ўртасида кенг тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган”.

Адабиётшунос олим мазкур асарда Али ва Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” асарлари ғоявий йўналиши, вазн жиҳатидан бир-бири билан тубдан фарқ қилишини айтиб ўтади. Чунки Дурбек ишлаган сюжет мазмуни, воқеалар тасвири жиҳатидан ўзига хос мукамалликка эга.

Пайғамбарлар ҳақидаги афсонавий қиссалардан ташкил топган Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асарида ҳам Юсуф образи киритилган. Ўзбек адабиёти тарихида насрда яратилган “Юсуф ва Зулайхо”лар ичида энг гўзали шубҳасиз, Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф алайҳис-салом” қиссасидир. Қиссада Юсуфга қуйидагича таъриф берилади:

“Пайғамбар Яъқуб ибн Исҳоқнинг ўн икки ўғли бор эди. Юсуф ўн биринчи ўғил бўлиб, унинг она бир иниси Ибн Ямин эди. Яъқубнинг Юсуфга меҳри баланд бўлиб, уни бир он бўлсин ёнидан жилдирмасди.

Усиз ўзини “сувсиз балиқ”дек ҳис етарди. Яъқубнинг ҳар бир ўғли бир ҳислатга эга эди. Яҳудонинг хосияти бу эдики, дарқаҳр бўлиб наъра тортса эшитганларнинг захраси ёрилар эди. Шамъун қилич тортса, тошни сувдек кесарди. Равбилнинг хосияти бу эдики, бутун бир лашкарни енга оларди. Юсуф алайҳиссаломнинг хосияти бу эдики,

хониш қилсалар ҳавода қушлар учмас эди, хушрўйликда шундай эдики, агар киши юзларига боқса ўзини кўзгуда кўргандек бўлар эди. Обу таом есалар баданларидан кўринар эди. Оллоҳ таоло унга ўн ҳислат каромат қилди: кўрк, килиқ, кечурмак, пайғамбарлик, туш таъбири, тўғри сўз, омад, натижа, мушкilot, китоблар шарҳи.

Ривоят қилдиларки, Миср халқи етти йил қаҳатчиликка мубтало бўлди. Мол-мулкани, асбоби, қулини, ўзини Юсуфга сотиб ошлиқ олдилар. Омборда ошлиқ қолмади. Ҳосилгача тўрт ой қолди. Юсуф алайҳиссалом Миср халқига ниқобини кўтарди, юзини кўрсатди. Юсуфнинг жамоли билан таом емадилар, Юсуфнинг кўрки билан кун кечирдилар.

Мавло кўркни минг улуш қилди, тўққиз юз тўқсон тўққизини Юсуфга берди, бир улушини тугал оламларга берди ёки бошқа манбаларда: Эй Муҳаммад, ужмоҳ (жаннат)даги ҳурларнинг кўркини дунёда иккига бердим. Бири онанг Ҳавога, иккинчи Юсуф Сиддиққа”¹.

Юсуф мавзуси форс-тожик адабиётида Абдурахмон Жомий, туркман адабиётида Нурмуҳаммад Андалиб, Махтумқули, Озорбайжон адабиётида Мирза Шафиқ Қозеҳ, уйғур адабиётида Мулла Юсуф Ёркандий, татар адабиётида Маҳмуд Булғорий, Утиз Имомий, грузин адабиётида ҳам қайта ишланган. Муҳаммад Саломи (XV аср II ярми), Нозим Ҳаравий (XVII), Хожа Масъуд Гулистоний (XVI асрнинг иккинчи ярми), Жунайдулло Ҳозиқнинг “Юсуф ва Зулайхо” каби асарлари ҳам форс-тожик тилида юзага келди.

XVIII асрда яшаб ижод этган туркман шоири Нурмуҳаммад Андалиб насру назмда яратган “Юсуф ва Зулайхо” достони халқ оғзаки ижодига шунчалар яқинки, асарнинг умумий руҳи ва бадиий хусусиятлари ҳам халқ яратган дostonларга ўхшаб кетади. XIX асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган шоирлардан бири Холис бўлиб, у ҳам “Юсуф ва Зулайхо” достонини яратган. Бу машҳур мавзу Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни ҳам қизиқтирди. У “Юсуф ва

¹ Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Т.: “Ёзувчи”. 1991 й. 93-103-бетлар.

Зулайхо” мавзусида ахлоқий-дидактик характердаги ҳикояни ишлаб, уни ўзининг мактаб учун ёзилган “Қироат китоби”га(1915) киритади¹.

Бу гўзал қисса бугуннинг ижодкори ижодидан муносиб ўрин олди. Жумладан, Рамз Бобожон “Юсуф ва Зулайхо”² драматик достонини яратди. Юсуф ва Зулайхо ривояти адибнинг драматик достонида ўзига хос янги мазмун ва янги шакл-шамойил, бадиий шукуҳ ва ёрқин замонавий руҳ касб этганлигига гувоҳ бўламиз. Инсон қалбидаги асрий туйғулар тугёни янада баралла жаранг сочади.

Бундан ташқари, Эминжон Қулматов шу қисса асосида Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузашти ҳақида шеърӣй достон яратган.

¹ Огаҳӣй. Асарлар. 6 жилдлик. 3-жилд. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974й.Б-6.

² Рамз Бобожон. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.2000й.135-Б.

1.2. "Юсуф ва Зулайхо"ларнинг даврий таснифи

Қадим Шарқнинг энг ҳазин, энг гўзал (аҳсан) ва энг умидбахш ривоятларидан бири пайғамбарзода Юсуф ва унинг севгилиси Зулайхо ҳақида бўлиб, у узоқ замонлар оша куйланиб, яшаб келмоқда. Бу ривоятларнинг илдизи миллоддан аввалги асрларга тўғри келади. Халқ оғзаки ижодида Юсуф ҳақидаги ривоятлар мавжуд бўлган. Бу халқ оғзаки ижоди намуналари кейинчалик диний китоблардан ҳам жой ола бошлади. Дастлаб, исломгача бўлган диний китобларда зикр этилувчи Яъқуб пайғамбар ва унинг ўғиллари ҳақидаги калом кейинчалик ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримда махсус сура тарзида нозил бўлади. Бу афсонаю ривоятлар диний китобларда қолиб кетмади. Таврот ва Инжил бу қиссанинг Ғарбда, Қуръони карим эса Шарқда кенг тарқалишига замин яратди.

Пайғамбарлар ҳаёти, уларнинг Оллоҳ йўлидаги мардонавор курашлари ҳамма замонларда ҳам кишиларни ўзига қизиқтириб келган. Илоҳий ва муқаддас китоблардан дунёвий адабиёт саҳнларига чиқа олган ҳазрати Юсуф қиссаси бу фикрнинг ёрқин далилидир. Ҳазрати Юсуфнинг ўз оғаларидан жабр-ситам кўриши, Зулайхонинг ҳийласи билан қирқ йил банди зиндоний бўлиб, машаққат ва кулфатлар тортиши, ҳалоллик, поклик йўлида собит туриши чин мусулмонлик намунасидир. Шу сабабдан ҳам, Юсуф ўзини хорликларга гирифтор қилган акаларига ёмонликни раво кўрмайди, уларни кечиради, бировнинг ҳасми бўлган Зулайхога кўз олайтирмайди, муҳаббатини сездирмасликка, ўзини тийишга буюк инсоний куч топа олади. Шубҳасиз, Юсуф чин мусулмоний фазилатларга эга шахсдир.

Илк ўрта асрлар: Юсуф ҳақидаги афсонанинг илк бор бадиий адабиётга кириши, Юсуфга беқарор ошиқ бўлган Потифарнинг хотини Зулайхо номи билан асарнинг марказий қаҳрамонларининг бирига айланиши буюк форс-

тожик шоири Фирдавсий номи билан боғлиқдир¹. Шоир, тарихчи Аҳмад ибн Умар Низомий Арузий Самарқандий 1156-1157 йилларда яратилган “Мажмаъ ун-наводир” (“Чаҳор мақола”) асарида шоҳ Маҳмуд ғзабидан қочган Фирдавсийнинг Ироққа боргани, маъжусийларни қуйловчи асар яратганига тавба-тазарру қилгани ва Қуръон мавзуларидан Юсуф афсонаси асосида “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзганини хабар қилади. Арузий Самарқандийга суяниб адабиётшунос олимлар, шу жумладан Навоий ҳам² “Юсуф ва Зулайхо” достонининг дастлабки муаллифи Фирдавсий деб ҳисоблайдилар. Лекин замонамиздаги олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра Юсуф ва Зулайхо мавзуи Фирдавсийдан аввал форс-тожик шоирлари Абул Муайяд Балхий (X аср) ва Бахтиёрийлар томонидан ишланган бўлиб, Фирдавсий қаламига мансуб дейилган достон XI аср форс-тожик шоири Амоний томонидан яратилган, деган фикрга келинди, бу ҳақиқатга яқиндир³.

XI асрлардан кейин Мовароуннаҳрда ҳам Юсуф ҳақидаги қисса кенг ёйилди. Шундан сўнг маҳаллий шоирлар ҳам бу мавзуга қўл ура бошладилар. Масалан, Шаҳобиддин Амъакнинг (XI аср) “Юсуф ва Зулайхо” достони шундай асарлар бири сифатида майдонга келган. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино Қуръони карим оятларини ўрганиш пайтида Юсуф сурасига кўзи тушади ва у бундан илҳомланиб насрий “Қиссаи Юсуф” асарини яратади. Асар анча йилгача илмий-адабий жамоатчиликка номаълум эди. Асар ҳақидаги дастлабки маълумот 1965 йилда С. Мирзаев тузган Ибн Сино асарлари библиографик кўрсаткичида берилган. Абу Али ибн Синонинг бу асари “Хутбата-т-таслий” (“Тасалли хутбаси” дуоси) номи билан асарлари таркибида номаълум қолиб келган. Бундан аввал “Саломон ва Ибсол”

¹ Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” достонининг А.Навоийга нисбат берилган париж қўлёзмаси ҳақида. Адабий мерос. 1973 й №3 152-157-бетлар.

² Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар, 15 том, Тошкент, 1968, 200-бет.

³ Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” достонининг А.Навоийга нисбат берилган париж қўлёзмаси ҳақида. Адабий мерос. 1973 й №3 152-157-бетлар.

қиссаси, кейин “Юсуф қиссаси” жойлашган¹. 1233 йилда эса шоир Али туркий тилда – ўғуз тилида “Қиссаи Юсуф” достонини яратади. **Ўрта асрларда**, хусусан, XIV асрда яратилган Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (Қисас-ул-анбиё) таркибига киритилган “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом ” қиссаси ўзининг таровати билан бошқа насрда битилган қиссалардан фарқланиб туради. Муҳаммад Саломийнинг ҳам бу мавзуга мурожаат этиб асар яратгани маълум. XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоир Дурбекнинг бизга қадар ёлғиз “Юсуф ва Зулайхо” достони етиб келган, холос. Шунга қарамай, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг ўзи ҳам Дурбекнинг истеъдодли шоир бўлганини кўрсатади. Бу достоннинг 5 та кўлёзма нусхаси мавжуд. Буларнинг энг мўтабари 1615 йилда Муҳаммад Саид бинни Мирзо Аҳмад Бухорий томонидан кўчирилган нусхасидир. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони 1959 йилда нашр қилинди.

Шарқ мамлакатларида жуда машҳур бўлган Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги қиссаларнинг юзага келиши ва такомили узоқ тарихга эга. Халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган бундай ривоятлар аста-секин илоҳий китобларга куча бошлаган. Бироқ “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси диний китобларда қолиб кетмади. У бадиий адабиётдан кенг ўрин олди.

XIV аср ўрталарида машҳур яҳудий шоири Шоҳин Шерозий форс-тожик тилида “Юсуф ва Зулайхо” достонини яратади. Шарқ адабиётидаги ҳар бир ижодкор Юсуфга мурожаат қилади, унинг жамоли-ю ақлу-фаросатини ўз асарига киритиб ўтади. Жумладан Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сида:

Эшитинг эрса Юсуфнинг жамолин,

Сени ҳусн ичра сад чандон яратти.

Ўғон Юсуф жамолин сизга берди,

¹ Муҳаммадиева Ф. Мирзо Олим Девоганинг “Равзаи асрор” асари манбалари ва матний тадқиқи. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент. 2011й. 18-б.

Муҳаббат кимёсин бизга берди¹,-

дейилади. Бироқ биз Дурбекнинг қайси достон билан таниш эканини билмаймиз. У “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муқаддимасида фақат форс-тожик тилидаги насрий бир қиссани тилга олади ҳамда ўз достони учун шу қиссани асос қилиб олганини таъкидлайди²:

...Наср эди, бу қисса доғи форси,
Эрди анга жон кўзи наззораси.
Бор эди кўнгулда бурундин бу азм,
Турки тили бирламу қилсам назм.
Ушбу маҳалда анга боис магар,
Бўлди яна бир неча соҳиб назар.
Бандаға дедилар, аларким бу дам,
Бўлғил ўшул қавлингга собит қадам.
Қўйма талаб устида таъбингни сушт,
Айла бу азмингни тамоми дуруст.
Қиссаи Юсуфни тамом айла назм,
Турк тили бирла қилиб азму жазм...

Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони дунёвийлашган асар бўлиб, у китобхонни нафақат пайғамбарлар ҳаёти ва уларнинг кўрган-кечирганлари билан таништиради балки, XV аср Ўрта Осиё ҳаёти, темурий шаҳзодаларнинг ўзаро тож-тахт кураши билан ҳам таништиради. Достон китобхонни ҳаётни, унинг ноз-неъматларини севишга, ҳар қандай қийинчиликларни сабр-матонат ва ақл-идрок билан енгишга ундайди. Бу жиҳатлари билан “Юсуф ва Зулайхо” достони профессор Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, қадимги дунё воқеаларининг романтик тасвири орқали янги тарихий

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1965 й.327-б.

² Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1965 й.327-б.

шароитнинг реал манзарасини чизган уйғониш давридаги итальян рассомларининг асарларига ўхшайди¹.

“Юсуф ва Зулайхо” достонида инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, севгиси ёритилади. Муҳаббат инсондаги олийжаноб фазилатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Юсуф ва Зулайхо бир-бирини чин дилдан самимий севади. Бироқ, турли ихтилофлар ва монеликлар натижасида ошиқ ва маъшуқа узоқ йиллар давомида мурод-мақсадига эриша олмайди. орадан анча йиллар ўтади, улар кўп алам-изтиробларга гирифтор бўладилар, лекин аҳду-паймонларидан воз кечмайдилар. Бу орада Юсуф ҳам, Зулайхо ҳам қарийди, аммо уларнинг севгиси қаримайди. Бу севги уларга куч-қувват, ёшлик ва гўзаллик бағишлайди. Севишганлар сабр-матонат билан курашиб, ҳар қандай монеликларни енгадилар; бу курашда улар чиниқадилар ва ниҳоят, ўз орзу-умидларига эришадилар:

Ох, не хушдурки чекиб интизор,
Етса ўз уммидина уммидвор.
Кимгаки бор ҳиммат ила эътимод,
Оқибат-ул-амр топар ул мурод...
Кимки талаб йўлида собит қадам,
Бўлса, топар мақсадини ложарам...
Чекти Зулайхо била чун ранжи васл,
Топтилар охир хуш иков ганжи васл²...

Ушбу “Юсуф ва Зулайхо” достони юксак бадий маҳорат билан тўлиқ ишланган ва бизга маълум бўлган ўзбек тилидаги баркамол дostonларнинг қадимгисидир.

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1965 й.329--б.

² Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1965 й.331--б.

Маълумки, Абдурахмон Жомий ҳам 1483 йилда “Ҳафт авранг”нинг учинчи китоби сифатида Юсуф ва Зулайхо афсонаси асосида юксак бадиий маҳорат билан ёзилган йирик дoston яратган. “Юсуф ва Зулайхо” дostonини Жомий ўз “Ҳамса”сига “Ҳисрав ва Ширин” ўрнига киритган эди. Муаллиф Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги “аҳзан-ул-қисас” деб юритилган ривоятлардан фойдаланиш билан бирга, ўз асарини янги, реалистик лавҳалар билан бойитади. Содда услуб ва равон тил билан ёзилган бу дoston Жомийнинг энг кенг тарқалган ва шуҳрат қозонган асарларидан биридир. Келиб чиқиши жихатидан Қуръон афсоналарига бориб тақаладиган бу сюжет Жомий қаламида реал инсоний севгини тараннум этувчи ажойиб ишқий-саргузашт асарга айланган.

Жомий асосий эътиборини ошиқ Зулайхонинг висол шодликлари ва хижрондаги қайғу-аламлари тасвирига қаратади. Зулайхо ўзини таниган кундан бошлаб умрининг сўнггига қадар ишқ жафосини чекади. У ўз муҳаббатига эришиш йўлида қўлидан келган барча ишни қилади. Юсуф эса Зулайхонинг акси бўлиб, у хиссиз, журъатсиз, зоҳид инсон. Жомий буларнинг иккаласини таққослаб бундай дейди:

Эрусан шўъла, мен бир пунбаи хушк,

Эрусан сарсари, мен нафҳан мушк.

Нечук пунба бўлур ўтға муқобил?

Нечук наҳфа бўлур сарсарға мойил¹?

Дostonдаги бутун-бутун боблар Зулайхонинг оташин муҳаббатининг тасвирига бағишланган. Жомий Зулайхо характерини мукамал яратиш учун уни кўпроқ ўз тилидан гапиртиради. У хоҳ шодликдан, хоҳ ғамдан гапирсин, унинг нутқи ҳамма вақт ҳаяжонлидир.

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 272-бет.

Жомий ўзидаги санъаткорлик маҳорати билан қуръоний қиссага янгича сайқал берди. Жомий асарида Юсуфнинг таърифи ўзига хос. Ижодкорда Юсуф шунчалик гўзалки, унинг жамолига ҳатто табиатдаги нарсалар ҳам ҳавас қилади, унга яқинлашишдан қувонади, ундан узоқлашса ғамгин бўлади. Юсуфнинг ҳаракатлари ниҳоятда латиф қилиб тасвирланган. Шоир Зулайхо сиймосини чизиш билан унинг Юсуфга муносиб гўзал эканлигини баён қилади:

...Ки, Мағриб мулкида бор эрди илоҳи,
Оти Таймус соҳиб дастгоҳи.
...Бор эрди бир қизи рангу зебо,
Жамол аҳли аро оти Зулайхо.
...Баён ҳадди эмас васфи жамоли,
Кўнгилга келгуси мўжзи ҳаёли¹.

Ушбу дostonни тожик тилидан ўзбек тилига биринчи мартаба XIX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоён­даси Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган.

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сидан илҳомланиб бир қанча ижодкорлар асарлар яратишди. Жумладан, Олим Девона “Юсуф ва Зулайхо” дostonини яратади. Муаллифнинг ўзи эътироф этишича, мазкур асар улуг шоир Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”си таъсирида юзага келган. Жомийнинг ижод олами шоир қалбига қувват бағишлаган:

Навҳи ҳақиқат аро дарёи жарф,
Ҳазрати Жомий шаҳи иқлими сарф.
Сўз дурига ул берибон интизом,
Боғлади мазмуниға мундоқ низом².

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Огаҳий таржимаси. 3-жилд. 27-бет.

² Олим Девона. Равзаи асрор. Қўлёзма рақами 1338.29 а-варақ.

Кейинги асрларда Юсуф хусни ҳақидаги афсона Ҳамдий, Нозим Ҳиравий, Андалиб каби туркийгўй шоирларни ҳам шу мавзуда асарлар яратишга илҳомлантирди. Хожа Масъуд Гулистоний (XVI аср иккинчи ярми), Мирза Шафёқ Қозеҳ, Мулла Юсуф Ёркандий, Маҳмуд Булғорий, Утиз Имомий ва Озарбайжон шоири Хатойи ҳам бу мавзуга мурожаат қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

XIX аср ва XX асрлар адабиётида ҳам ушбу мавзу ўз жозибасини йўқотмади. XIX асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган шоир Холис ҳамда Жунайдулла Ҳозикларнинг ҳам бу мавзуда асар яратганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Олим Равшан таҳрири остида нашр этилган “Туркий Юсуф-Зулайхо” достони қурилиш жиҳатидан бошқа “Юсуф ва Зулайхо”лардан фарқ қилади. Матннинг умумий бадиати унинг халқ китоби эканлигидан далолат беради, унда ўзбек халқ достонларига оид сифатлар бўртиброқ туради, шу билан насрий баён талабларидан келиб чиқадиган жиҳатлар ҳам сезиларли. Насрий баён назмий ифода воситасида янада кучлантирилади, таъсир салоҳияти оширилади. “Туркий Юсуф-Зулайхо”нинг тили XIX аср охири ва XX аср бошларида истеъмолда бўлган ўзбек адабий тилининг ўзига хос ажойиб намунасидир.

Худди шу даврда яратилган сайёр сюжетли асарлардан бири Холисининг “Юсуф ва Зулайхо” достонидир. Бу достоннинг Холисга нисбат берилишига сабаб у ўзи ҳақида достоннинг кириш қисмида қисқа маълумот бериб ўтади:

Дил отим мани Маҳмуд Ҳакимдур,
Таваллудда манга ул от қадимдур.
Ҳавоийдур ва ё Холис назаргоҳ,
Баногоҳ учраса ҳар бор жазогоҳ.
Ўқуғонда анга қилсун дуолар,-

Ўқуса ҳар маҳал аҳли вафолар.¹

Туркий адабиётда Юсуф ва Зулайхо мавзусида яратилган асарларнинг аксарияти назмда битилган. Бунга сабаб, биринчидан, ўқилиши осон; иккинчидан, таъсирчанлиги кучли; учинчидан эса, ўйноқи оҳангга эга эканлигидан куйлашга ва ёдлашга қулай. Бундан ташқари асрлар давомида мусулмон олами бадий сўз санъати тарихида шеърятнинг етакчилиги қилганлиги ҳам таъсир қилмай қолмаган.

Достоннинг неча асрлардан буён севиб ўқилиб, кўчирилиб келаётганлигининг бош сабаби унда соф, беғубор ва илоҳий ишқнинг бадий ифодаланишидир. Зулайхони тушида мафтун этган йигитга- Юсуфга бўлган севгисига умрининг охиригача содиқ қолади:

Аё Юсуф етти йилдур мани ҳолим хароб эттинг,
Юрокға ишқ ўти солдинг чекти бағрим кабоб эттинг,
Мани бечорага жабру-ситамлар беҳисоб эттинг,
Кўрарман кун сари ҳусну жамолинг офтоб эттинг,
Бўлубман санга кўб ташна юрак қоним шароб эттинг.(85Б)

Исломгача бўлган давр адабиётида, хусусан Юсуф ҳақидаги қиссаларда Зулайхо образи бўлмаган. Бу образни Шарқ адабиёти намояндалари ўз асарларига киритганлар. Зулайхо образининг берилиши, унинг хатти-ҳаракатлари Юсуф характери очиқ беришда муҳим роль ўйнади. Юсуфнинг сабр-қаноати, метиндек иродасини ҳеч қандай куч енга олмайди. Адиб Зулайхони фаоллаштиради, у Юсуфга ҳийлаю тухматлар қилади. Юсуф бунга жавобан сабрли бўлади. У ишонадики, албатта, сабр-қаноат ўз меvasини беради. Натижада Юсуф ўзининг комил шахс эканлигини кўрсата олади. Зулайхони умуман, достоннинг барча қаҳрамонларни тўғри йўлга

¹ Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№1391, Б-3.[3А] Кейинги ўринларда бу манбанинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

бошлайди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳам ушбу қиссага мурожаат қилиб, Юсуф қиссасини яратган ва уни “Қироат” китобининг таркибига киритган. Бу афсона бугунги кун ижодкорларини ҳам бефарқ қолдирмади. Хусусан, Рамз Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайхо” драматик достони эътиборга моликдир. У бу қиссага ўзгача руҳда ёндашади. Қадим Шарқнинг маҳзун ривояти Рамз Бобожоннинг драматик достонида ўзига хос янги мазмун ва янги шакл-шамойил, бадиий шукуҳ ва ёрқин замонавий руҳ касб этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

I боб бўйича хулоса

Қадим Шарқнинг энг ҳазин, энг гўзал ва энг умидбахш ривоятларидан бири пайғамбарзода Юсуф ва унинг севгилиси Зулайхо ҳақида бўлиб, у узок замонлар оша куйланиб, яшаб келади. Бу машҳур ривоятнинг илдизи милоддан аввалги асрларга бориб тақалади. Дастлаб, исломгача бўлган динларнинг муқаддас китобларидан ўрин олган бу қисса кейинчалик Қуръони каримдан ҳам жой олади. Шу тариқа бу қисса Инжил ва Таврот орқали Ғарб адабиётига, Қуръони карим орқали эса Шарқ адабиётига тарқалади. Биргина Шарқ адабиётининг ўзида бу қиссага қирқдан зиёд адибнинг қизиққанлиги ва бу мавзуда асарлар яратганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Биз уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб тасниф қиламиз:

1. Илк ўрта асрлар адабиёти.
2. Ўрта асрлар адабиёти.
3. XIX аср ва XX асрлар адабиёти.

Юсуф қиссаси Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари билан бошланди. Кейинчалик Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузаштига бағишлаб достонлар ёзила бошланди. Бу достонларнинг дастлабкиси XIII асрда яратилган бўлсада бу асар XX асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юсуф ва Зулайхо муҳаббати асос қилиб олинган қисса ва достонлар ўзбек адабиётида катта салмоққа эга. Улар даврий жиҳатдан ҳам, географик жиҳатдан ҳам бири-биридан фарқланади. Шунингдек, уларнинг мавзу кўлами ва бадий хусусиятларида ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари уларнинг яратилиш услуби, образлар тизими, сюжет ва композицияларида ва тилида ҳам тафовутлар мавжуд. Лекин булар ҳозиргача алоҳида ҳолда тадқиқотга тортилмаган.

II БОБ. Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” достони бадиияти ва туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг мавзуий хусусиятлари

2.1. Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” достонининг бадиияти

Ўзбек адабиётида Қуръони карим мавзуларига мурожаат қилиниши катта адабий ҳодиса бўлди. Кўплаб ижодкорлар бу мавзуни қайта ишлаб, янада бойитди. Улар томонидан шоҳ асарлар яратилди. Аждодлар қолдирган маданий мером маънавиятимизнинг бебаҳо бойлигидир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, “Қуръоний мавзуларнинг жаҳон ва, алаҳуссус, ўзбек адабиётидга сингиб ўтиши фақат диний нуқтаи назардангина иборат бўлиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг биз учун мавҳум қирраларини ойдинлаштириб, турли адабий мавзуларнинг сарчашмаларини очган ва ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ислом адабиёти билан шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад берган бўларди”¹.

XIX асрда яшаб ижод этган Холиснинг бу мавзуга мурожаат этиши табиий ҳолдир. Холис достонни замондошлари ва дўстларининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб яратган. Буни қуйидагича изоҳлайди:

Бор эрди баробар ул Мустафои,

Яна эрди ўзисида ғамўйи.

Ўшал бир кун китоб олиб кетурди,

Чиқарди қўйнидин олдимга қўйди.

Надур дедим, деди бир яхши қисса,

Ўқуб қолмағай кўнгулда ғусса.

Олиб келдим деди Сарём элидин,

¹ Исмат Санаев. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити. Тафаккур нашриёти. 2009 й 60-бет.

Тараддудлар билан топтим еридин.

Умид бирла деди, келтурдим они,

Қилинг эмди манга бир меҳрибони¹.

Бу дoston Қўкон қоғозига настаълиқ хатида қора ва жигарранг сиёҳ билан ёзилган. Муковаси сариқ қоғоздан ишланган. Қўлёзманинг охириги варақлари йўқ. Таъмирлаш вақтида хатолик билан 20-бетига “Китоби Санобар”дан парча киритилиб кетилган. 58-варағи йиртилган ва 106-107-бетлари тушиб қолган. Ёзув XIX аср ўрталарига тегишли. Бу нусхадаги жами саҳифалар 137 бетни ташкил этади. Дoston Оллоҳга ҳамд айтишдан бошланади:

Ҳамд айтай ҳар ду жаҳон,

Ёри бергил ҳамдинга очсам забон.

Ман биломан яккаю-яғонасан,

Сирриниҳонимгасан хўб донасан.

Ошкора албатта маълум санга,

Мундин орта ҳамд нега на ҳад манга.(1Б)

Ундан сўнг пайғамбарга наът қисми берилган:

Дуруд ҳамду ҳодий олам,

Жами анбиёга эрурсан хотам.

Ким эрур билсангиз ул шоҳ сармад,

Ани номи шарифидур Муҳаммад.

Хулосан башардур шоҳ сарвар,

Шафеъ уммат эрур рўзи маҳшар...(4А)

Шундан сўнг ҳазрати Юсуф алайҳис-саломнинг бобо ва аجدодларининг баёни келтирилади:

¹ Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№1391, 2Б Кейинги ўринларда бу манбанинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

Жаҳона келди Иброҳим паямбар,
Ани олам юзига қилди сарвар.
Аларда икки хотун эй биродар,
Бири Сора, бириси эрди Ҳожар.
Аларни ҳар бири топти бир ўғул,
Атосига муте, хўжасига қул.
Биби Ҳожарники Исмоил эрди,
Биби Сораники Исҳоқ эрди.
Эди Исҳоқни авлоди Яъқуб,
Ондин эдилар ҳазрати Юсуф.
Ўн икки ўғли Яъқубни бор эрди,
Ҳар икки бир бир онадан бўлуб эрди.
Юсуф ибн Яминни англасангиз,
Алар бирла бор эрди яна бир қиз.
Ўшал қизнинг отини деди Норжон,
Оналари валекин эрди ўлгон.(4Б, 5А)

*Юсуф алайҳис-саломнинг васфу жамоллари қуйидаги мухаммас орқали
таърифланади:*

Кўзи тушкон кимарса берди бир йўл ақлини барбод,
Ки ҳаргиз ўзига келмай қилурлар оҳ ила садрод,
Ғами Юсуф билан бўлғай келса бўлғай дилшод,
Малойик ҳуру ғилмонлар беҳишт ичра қилур фарёд,
Вухушу ҳам туюру ҳам парию инсу жон ўртар.

Тушуб Яъқубга юз армон чекар хижронида афғон,
Фироқида таниб ўлтурмай бағрини айлоди қон,

Туюксиз бошига тушти биродарлар ажаб ҳижрон,
Қилур Яъқуб паямбар еди армон устига армон,
Бўлиб хун булбули ҳижрон ўзини ҳар замон ўртар.(7А)

Ҳазрат Юсуф алайҳис-салом тушларини баён қилганларида Яъқуб алайҳис-салом таъбирини баён қилганлари:

Деди Юсуф жавоҳирдин ясалғон тахт келтурди,
Ажиб айвон кайвони мунаққашлик они турди,
Кўториб кўб халойиқлар мани ул тахтга миндурди,
Ўшал тахт узра минмоққа мани эл барча кўндурди,
Денгиз таъбирини бобо нечук хўб паришондур?

Деди Яъқуб аё ўғлум шаҳаншоҳликни тахтидур,
Ки, ҳар кимга муяссар бўлса, ул қулни тахтидур,
Ани олдида ҳозир жумла оламини вахтидур,
Бу тушунгдин Юсуфим санга давлатни вақтидур,
Умидим ул ҳукмингда сани жумла жаҳон бўлсун.(11А, 11Б)

Шамъуннинг онаси бу сўзларни эшитиб, Юсуфнинг ўғай акаларига бориб айтгани:

Ота-ўғил деди бир-брига сўзни,
Эшитиб сўзни ғофил тутма ўзни.
Дебон шод ўлдилар ул иккаласи,
Эшитти аммо Шамъуннинг онаси.
Келиб айди ани Шамъунга онаси,
Ки, Шамъун англағач титради дир-дир.

Барисини хабардор этти Шамъун,
Эшитиб барчаси бўлди жигархун.
Дедиларки иложин на қилурмиз,
Ҳаммаси айди ани ўлдиурмиз.(12Б)

Шу мақсадда акалари Юсуфни сахрога олиб чиқмоқчи бўладилар:

Келиб Юсуфни чорладилар,
Мулойим сўзладилар, алдадилар.
Дедилар равшан чашма байто,
Олиб борсак сани биз сахро.
Бу кунлари ҳавой эшит ҳўбдур,
Ажойибу-ғаройиблар анда кўбдур.
Кўрор бўлсанг тевалар бўй қилғон,
Яна қўй қўзилаб тўда бўлғон.
Яна кўрсанг очилган турфа гуллар,
Томошога бу кунлар яхши кунлар.
Сани олиб бороли деб айдук биз,
Ижозат бермади бизга бобомиз.
Ўзинг соҳибингни бориб равон қил,
Ижозат бермаса ул дам фиғон қил.(15Б)

Ҳазрати Юсуф алайҳис-салом боболаридан рухсат тилаганлари:

Баҳор фасли ажаб мавсум, ажаб вақту, ажаб фурсат,
Очулсун бу мани кўнглум беринг бобо манга рухсат,
Бу кун мани сўзума қўймонг қилиб бобо бу дам шафқат,
Бўлубдурлар оғоларим бу кун манга ажаб улфат,

Раво кўрмас шамолин, хабардор ўлгай ҳолимга.

Ҳазрати Яъқуб алайҳис-салом ҳазрат Юсуфга насиҳат қилганларида, Юсуф алайҳис-салом боболарини сўзига кирмай йиғлаганлари:

Тингла сўзни Юсуфим ҳар ён неча бормағил,
Зор йиғлатиб Яъқубни ондин яро бормағил,
Ўлтур мани ёнимда мандин жудо бормағил,
Маҳкам тутиб пандимни баҳри худо бормағил,
Олғил мани сўзумни бу кун саҳро бормағил.

Кетсанг мани қошимдин қолғимдур зор йиғлаб,
Куйдурур мани бағримни ҳижрон ўтида доғлаб,
Фурқатга тоқатим йўқтур қайга борай сўроқлаб,
Қарибман қувватим етмас изласам белимни боғлаб,
Олғил мани пандимни бу кун саҳро бормағил.(16Б)

Манга рухсат беринг бобо томоша айлойин саҳро,
Қарорим йўқ турарга манга билмом нечук савдо,
Юрагим талпинур ҳар дам бир иш бўлур кўп пайдо,
Вале кўнглум тўқ эрур бўлса ҳам ҳар нечук ғавго,
Оғоларим меҳрибондур қилур бўлмай манга парво.

Деди Юсуф оғоларим ҳар бириси Рустами дoston,
Жаҳонни паҳлавонин қилурлар ер била яксон,
Машаққатлар манга келса қилур бўлғай алар осон,
Ки, ҳар ким баднийят бўлса, айлағайлар албатта сарсон,

Қахрланиб агар қилса рақидлар бошима ғавғо.(17Б)

*Ҳазрат Яҳқуб алайҳис-салом Юсуфни акалари билан жунатиб, пушаймондан
ўқиган мухаммаслари:*

Билолмам эмди на савдо кўрорман,
Бошимда юз туман ғавғо кўрорман,
Бу кунмикин ва ё фардо кўрорман,
Юзини жаннат олмада кўрорман,
Манга сан сабр бер парвардигорим.

*Яҳқубнинг бу ҳолини кўриб қизлари Норжон хонимнинг ўқиган
мухаммаслари:*

Сизга сирни бобо баён айлойин,
Йиғлоб келодурсиз кўрсам найлойин,
Йўлга тушуб белим маҳкам боғлойин,
То тирикман фироқида йиғлойин,
Дийдор қолди қиёматга найлойин. (23Б)

Яҳқуб алайҳис-салом қизларидан ҳол-аҳвол сўраганлари:
Сўрови ҳазрат Яҳқуб қизидин,
Бу аҳволда келубдурсан на юздин.
Деди Норжон хоним ман туш кўрубман,
Еримдин шул замон кўркуб турибман.
Деди ул Юсуфни ўн бўри олиб,
Суриб кетти бобо олдиға солиб.

Ки, ҳар қайсиси келиб тишлорди тортиб,
Юсуфни этини юборди йиртиб.
Юсуф қон йиғлабон олдига тушти,
Кўзумдин бўлди ғойиб қайга учти.
Деди кўргон тушимиз бўлди бирдек,
Кимса кўрмагайлар ушбу сирдек.
Қизим йиғлама Юсуфни кўрормиз,
Яна бурунғудек бирга бўлармиз.(25Б)

Ҳазрати Юсуфга акаларининг жафо қилгани:

Кўрунг Яъқубни ўн ўғулларини,
Тутиб боғлади Юсуфни қўлларини.
Кўрунг Юсуфни ҳар ён термулодур,
Ки, андин ўтганин эгам билодур.
Кесинг бошин ани деб тугдилар мушт,
Ҳавода бўлди пайдо бир улуғ қуш.
Аларга айлади ҳайбатлиқ овоз,
Очуқ тил бирла ул қуш сўзлади боз.
Берур бўлсанг агар Юсуфга озор,
Худони қаҳрига бўлғунг гирифтор.
Яна ердин эшиттилар садой,
Аларга қаҳр ила қилди нидой.
Бу ишни қилсангизлар ман туторман,
Ҳаммангни лаҳзада ямлоб юторман.
У ерда хавф айлоб турмадилар,
Адоватни кўнгилдан йиғмодилар.(26Б)

Ки, ул водийда бир чоҳ бор эрди,
Ани шаддод Лаин қозғон эрди.
Ани ўйладилар барча оғаси,
Бу дардни дедилар улдур давоси.
Каманд боғлади Юсуф белига,
Яҳудо ушлади ани қўлига.
Камандлари йигирма газга етти,
Яҳудо ифни банд қилой деб этти.
Юсуф кетти тушиб чоҳга шуволаб,
Яҳудо қолди қабз арқонни ушлаб.

*Ҳазрат Яъқубнинг ўғиллари юсуфни чоҳга ташлаб, оталарига бўри еди деб
келганлари:*

Кўтардилар отасин кўргач афғон,
Қилиб келиб эдилар киртасин қон.
Юсуфдин биз жудо бўлдук дедилар,
Ани излаб гадо бўлдук дедилар.
Қидириб тобмадик андин нишони,
Бўрии ебдур мунингдин билдук ани.
Ўтибдур киртаси қонға бўёлиб,
Дедук кетти Юсуфни бўри олиб.
Отосин олдиға келтурди қўйди,
Ани Яъқуб наби қўлиға олди.
Кўрди қон киртасини ҳуши кетти,
Кўторди наъра йиқилди ётти.

Ҳазрат Яъқуб алайҳис-салом Юсуфни фироқида ўқиган байти:

Эй, Юсуф ўғлум қайдоғ қиломан,
Ойдек юзингни қачон кўроман.
Этти жудолар қайтиб висол,
Ман эмди қайдоғ маҳрум бўломан.
Гулдек юзингни кўрмосам эмди,
Йўқдур гумони кўрлар бўломан.

Молик Заър туш кўриб, унинг умиди билан Канъонга келгани:

Бор эрди Мисрда Молик Заъри,
Ададин кўп эди мол байри.
Ўзи серқофил савдогар эрди,
Гаҳи Шомға, гаҳи Канъон борорди.
Ётиб бир кечаси туш кўрубдур,
Таҳорат қилғоли Канъон келибдур.
Келиб карвон тушубдур чоҳ бошиға,
Ммуқайяд барча халқ бўлди ишига.
Ўшал чоҳни бошида ой ўзулди,
Келиб Молик Заър қўйниға кирди.
Ҳама олам юзи бўлди мунаввар,
Ани илкида ой турди муқаррар.
Саросима еридин анда турди,
Чиқиб таъбирчини олдиға борди.
Тушини таъбирчига қилди баёни,
Бу сирни манга қил аёни.
Деди мундин агар Канъон борурсан,
Ўшал ерда магар бир қул олурсан.
Қадамлари ани бўлғой муборак,

Сабаб ёрлақағай тангри таборак.(47Б)

Ҳисобини ўшал Тожир битурди,
Умид бирла яна Канъонга келди.
Ўшал кунларда Юсуф чоҳда эди,
Келиб Молик яна ул ерга қўнди.
Ҳама юкларини анда тушурди,
Қулиға сув олиб кел деб буюрди.
Бориб қул далвни солди қудукқа,
Баногоҳ далв бориб етти сувға.
Юсуф дарҳол ўзин далвга солди,
Қул тортолмади ҳайратда қолди.
Келиб Молик ўзи кўплаб чикорди,
Қароб халқ далвда бир бачча кўрди.
...Ўшал карвонийларким қилди ғавғо,
Талошиб жанг охир бўлди пайдо.
Бу ғавғони эшитти ўн оғоси,
Ета келди ҳама Яъқуб боласи.
Дедилар эмди айбимиз очилди,
Бошимизга маломатлар сочилди.
Деди ўлдурмосак ҳаргизда бўлмас,
Бу қул қочқоқлигини асло қўймас.
Деди Молик силар кўб урмангизлар,
Ани беҳуда сургаб юрмонгизлар.
Деди Молик агарчи айби бисёр,
Олурман айби бирлан манга даркор.(50А)

Ҳазрат Юсуф алайҳис-саломнинг оғалари билан видолашганлари:

Насибдин қилдингиз манга бу ишни ўн оғо,
Бу ҳаёл фосид ишни нега кўрдинглар раво,
Онадин ўлим жудо қилди, отадин сиз жудо,
Ундоғ ишларни муносиб кўрди қайси кадхудо,
Ман ёмон эмди йўқолдим, барча яхшим яхши қол.(51А)

Ҳазрат Юсуф алайҳис-саломни Молик Тожир сотиб олиб, уни Мисрга олиб кетаётганида қабристон олдидан ўтадилар. Юсуфнинг кўзи онасининг қабрига тушади:

Мани ҳакам худо бирла ўлум қилди жудо сандин,
Бу кун кўргил тириклойин жудо бўлди бобом мандан,
Жудо туштим яна Ибн Яминим брла Норжондин,
Мани кўнглумда йўқтур ҳеч нимарса ғайр армондин,
Она билсанг сотилдим қул бўлиб мундоғ нишоним бор.

Онасин қабрида Юсуф юзини хок этиб йиғлар,
Бобосин ҳажрида яна яқосин чок этиб йиғлар,
Кими раҳми келиб ул кун юзин чокини пок этиб йиғлар,
Ҳамиша кўзини тинмой Юсуф ғамнок этиб йиғлар,
Тирик борман аё онам ки, чашма хун нишоним бор.(55Б)

Зулайхо ўз васфини айтиб ўқиган мухаммаси:

Ҳалб шаҳрини шоҳини қизидур,
Билинг ул ҳур жаннатнинг ўзидур.
Бир оти ани Ҳурандом паризод,

Анингдек йўқ эрди ҳеч одамзод.
Зулайхо кирди бил етти ёшга,
Биров кирди кеча ани тушига.
Ани ҳусни-жамоли лол қилди,
Зулайхони бача беҳол қилди.
Ўшал уйқусидан бедор бўлди,
Анга ошуфта дийдор бўлди.
Илож тобмай кўрунг бемор бўлди,
Ғаҳи қубти, ғаҳи бемор ётти.
Зулайхоға етуб тўққизга ёши,
Ани ёдлаб қуримас кўзда ёши.
Ки, бир кун нола қилди ташида,
Ўшал туни ани кўрди тушида.
Яна уйғонди хобидин Зулайхо,
Кўролмади ани кўтарди ғавғо.
Ўзига келмади минг алдадилар,
Илож тобмой охир кишанладилар.
Яна бу ҳол ила икки йил ўтти,
Зулайхони ёши ўн бирга етти.
Тақи бир кечаси туш кўрди ани,
Кўзига учроди маҳбуб жони.
Дедиким сан мани девона қилдинг,
Жамолинг ўтига парвона қилдинг.
Паримусан, башармусан биллойин,
Илож тобсам сани фикринг қилойин.
Зулайхо айди сан қайда бўлурсан,
Мани мундоғ қилиб ақлим олурсан.

Деди ман Мисрни шоҳи эрурман,
Кўнгил тортиб санга ҳар дам келурман.(61Б)

Муҳаббат ўтида куйди мани жоним мусулмонлар,
Етодур ҳар кечада фалакга оҳ-афғонлар,
Мушаххас билмадим кимдур ичимда қолди армонлар,
Жунун дардига ҳеч ким тобмади дору-дармонлар,
Мани айб айламонглар йиғласам то ихтиёрим бор.(63А)

Таймус шоҳ қизи Зулайхонинг аҳволини кўриб, Миср Азизига нома юборгани:

Мисрни подшоҳи эрди Райён,
Тутор эрди Азиз ул шоҳга фармон.
Ул эрди барчага мақбул ома,
Ки, ёзди шоҳ ани отига нома.
Юборди хат қилиб бир неча элчи,
Кўройин анда бориб, деди келчи.
Буларни номаси Райёнға етти,
Ани олдида барча сўзни айтди.
Улуғ подшоҳ эди Таймус булардин,
Басе қурқор эди Райён ҳам андин.
Куёв қилса деди биздек кишини,
Қилой деди билиб ани ишини.
Хазиначин эшигин очти анда,
Суюниб нуқра зарни сочти анда.
Ҳама асбоб тўйни қилди аён,
Ҳалбга тўй юборди шоҳ Райён.

Зулайхо ич-ичидан хўб суюнди,
Ки, гўё тушида кўрганга бўлди.(69Б)

*Биби Зулайхони Миср Азизига турмушга берадилар. Аммо Зулайхо Миср
Азизини кўриб Худодан паноҳ тилайди:*

Неча кун ош бериб тўйни кузатти,
Бул охир Мисрга қизини узатти.
Зулайхо айди ман бовар қилойин,
Азиз ўтсин, назаримдан кўройин.
Ишорат қилдилар анда Азизга,
Кўрунинг дедилар эмди бу қизга.
Азиз ҳам хўб бўлор деб ўто берди,
Зулайхони ранги ўчиб кето берди.
Ани кўргон тушида бу эмасдир,
Зулайхога асл маҳсул эмасдур.
Назар солди ўша дамда бетига,
Қачон ўхшотти Юсуфни этига.

Биби Зулайхонинг Юсуф фироқида ўқиган ғазаллари:

Эй яратган эмди айғоним бўлди на қилой,
Ул тушумда кўрганим келмади на қилой.

Ўлганим яхши эди дунё юзин кўрмасам,
Ҳама югургон елганим бўлмади эмди на қилой.

Ман ризо эрдим тирик дўзахқа қилса мубтало,
Ўлганим тирилганим бўлмади эмди на қилой.

Қилмадингму эй нигорим, Мисрга бор деб хитоб,
Умид айлоб келганим бўлмади эмди на қилой.

То Мисрга келмасам ҳаргиз қарорим йўқ эрди,
Паймонадек тўлғоним бўлди эмди на қилой.

Кўз ёшим дарё бўлуб оқти отамни шааҳрида,
Мунда келиб кулганим бўлмади эмди на қилой.

Холисо қани тазарруъ халқинг даргоҳига,
Ман тирик деб юрганим бўлмади эмди на қилой.(741A)

Мурод-мақсудим бир гул эди ман булбули шайдо,
Қўнуб гул шохига ҳар дам чиқорсам шўриш-ғавғо,
Худой даргоҳингда гул билан булбул қилур савдо,
Тиларман қилмағил ё Раб мани бу зоғ ила расво,
Эшигингда таволлолар қилиб санга ўзум тутдим.(72A)

*Молик Тоҷир ҳазрат Юсуфни Мисрга олиб борганлари ва бозорга
солганлари:*

Олиб Молик Заър Мисира етушти,
Мисрни шаҳрига овоза тушти.

Ғулом олиб келибдур деди Молик,
Кўзи тушкон кимарса бўлди ҳолик.
Эшитиб чиқтилар барча халойиқ,
Улуғ, кичик ҳама барча мувофиқ.
Бу сўзларни ки, ул Молик эшитти,
Ишорат айлоди Юсуфга айтти.
Ўзунгни сувга солиб тоза бўлғил,
Келиб андин ариға тўнларни кийғил.
Ани амри билан дарёга кирди,
Халойиқ теграсини қуршаб олди.
Қароб анда Юсуф ҳолни кўрди,
Ичида бир худога нола қилди.
Худо ул дамда бир моҳи юборди,
Олиб атрофини ул ҳалқа урди.
Халойиқ кўзидан бўлди пинҳон,
Кўролмади ани ҳеч қайси инсон.(74Б)

Жами жонлар бўлди ҳайрон,
Юсуфни кўрдилар кўтарди афғон.
Мисрда бўлди бозор қиёмат,
Кимарса қилмади кўрганда тоқат.
Малойиклар кириб ҳамд-санога,
Тавалло айладилар бир худога.(75Б)

Ҳазрат Юсуф алайҳис-саломни бозорга солганда биби Зулайхо келиб кўргани:

Зулайхони қошида деди бир кун,

Ўтуруб дедилар бир жамиъ хотун.
Алар ичра Юсуфнинг сўзи бўлди.
Бировлон кул келтурубдир Мисрга,
Тушубдур барча эл турфа фикрда.
Ани ҳар одам кўргудекдур,
Ани фикрида доим ўлгудекдур.
Зулайхо ушбу сўзларни эшитти,
Ани кўнгли ўзин тушуга кетти.
Зулайхо деди биз борсак бўлурми?
Ки, бизга ошкор кўринурми?
Дедилар ҳар ким борса бўлодур,
Ки, ҳар ердин баралла кузатодур.(78А)
Етибон бордилар майдон ерига,
Кўзи тушти йироқдин дилбарига.
Тонуди тушида кўргон бу эрди,
Ани ақлу ҳушин олгон бу эрди.
Карам қилди худойим анга тоқат,
Жамолин кўриб қилди қаноат.

Ҳазрат Юсуф алайҳис-салом тарозига солиб сотилганлари:

Халойиқ айдилар Молик Заърға,
Баҳосини еткурурсан на ерга.
Деди Молик тарозуға солурман,
Анга тиклоб дур-жавоҳир олурман.
Тарозуға солиб тортилди ул мол,
Баробар келди Юсуфга алҳол.
Азиз бирла Зулайхо бўлдилар шод,

Ҳижолат бирла ғамдин бўлди озод.

Азиз ҳам олди Юсуфни қўлиға,

Заърни бой қилиб қўйди пулиға.

Ҳазрат Юсуф алайҳис-саломга Зулайхо арзиҳолни айтгани:

Аё Юсуф етти йилдур мани ҳолим хароб эттинг,
Юрокға ишқ ўти солдинг чекти бағрим кабоб эттинг,
Мани бечорага жабру-ситаблар беҳисоб эттинг,
Кўрарман кун сари ҳусну жамолинг офтоб эттинг,
Бўлубман санга кўб ташна юрак қоним шароб эттинг.

Ҳалб шаҳрида Таймус шоҳни бир ёлғуз қизи эрдим,
Суюкликда улуғ кичик халойиқни сўзи эрдим,
Ёрутгон кечаларда аларни ойдек юзи эрдим,
Ота-онамни олам юзида чўлфон кўзи эрдим,
Тушимга бир кеча кирдинг Миср бор деб хитоб эттинг.

Зулайхо сўзини Холис қилма тортиб жафо чекти,
Муҳаббат тахмини ишқ аҳлини бўстониға экти,
Кўнглини топса эди, кудурат лойини тўкти,
Қўлиға нашта ишқин олиб жон мағзини сўкти,
Зулайхо кўнглига Юсуф жамолини офтоб эттинг. (86Б)

Зулайходан бу сўзларни эшитган ҳазрат Юсуф алайҳис-саломнинг насиҳат қилганлари:

Мусофирман шахрингизга келмишам,
Ман билмом яхши ёмон кимингдур.
Канъонда гул мунда келиб сўлмишам,
Билолмасман сув зиён кимингдир.

Кима жом муҳаббатдин май ичар,
Сабр айласа давлат эшигин очар.
Насиб қилса охир маҳбубин қучор,
Билур бўлсанг охир даврон санингдур.

Зулайхо ҳазрат Юсуфдан бу сўзларни эшитгач, ҳийла ишлатади. У бир неча қизлар билан Юсуфни боққа жўнатади. Лукин Зулайхонинг нияти амалга ошмайди. Ҳазрат Юсуф алайҳис-салом қизларни муслмон қиладилар.

Айтур эрди Зулайхо бағримни пора қилдим,
Ишқингни ханжаридин кўксимни яра қилдим.
Айғон мани сўзимга кўнмос лекин билдим,
Тадбир чора айлоб қизга оввора қилдим.
Қизларга бўлса улфат, гар андин топса лаззат,
Келгуси манга давлат, ғамни кунора қилдим.
Қизлар кирор ўюнға, алдаб қўёр бўйунға,
Мани олур кўйунға амри дубора қилдим.(89Б)

Юсуфни анда бир-бир чекти қизлар,
Юсуф деди олунг сўзимни сизлар.
На анинг бандаси бу ишни қилолмас,
Агар қилса укубатдин қутулолмас.
Аларни хатари бўлди мулойим,

Мусулмон бўлди ҳар қайси ойим.
Яна ботинлари кушода бўлди,
Ақидаси бўлиб динга зиёда.
У дам солиҳа бўлди барча қизлар,
Юзи гулдек эди сочи сунбуллар.
Зулайхо бошлади дўзахга ано,
Юсуф қилди ики аҳли жудо ано.(90А)

Биби Зулайхо дояси билан кенгашиб бир иморат қурдиргани:

Деди доя дунё бир иш қилойин,
Сани қўйнингга Юсуфни солойин.
Алар сарф этиб қилди иморат,
Ажиб нақш нигор ани бағоят.
Хусусан етти хоса том қўпорди,
Барини бир-бирин ичида қилди.
Ҳаммадан ичкари ғайри мукаррам,
Ани қилди ажойиб нақши нигор.
Зулайхо бирла Юсуф сувратини,
Қилиб қўйди деворни тўрт бетини.
Бир-бири билан тургон кучушиб,
Яна лабларидин бир-бир ўпушиб.
Зулайхони кўзи кўрсанг сўзилгон,
Турур нозик бели гўё узилгон.
Деди ғараз муни кўрса кизисун,
Зулайхожонга Юсуф майл қилсун.
Битурди ул иморатни энага,

Кириб кўрди барини ҳам Зулайхо.
Зулайхо Юсуфни анда чақирди,
Дебин лаббай ани олдига келди.
Иложини топмади ичкари кирди,
Эшигини Зулайхо қулфлаб олди.

Биби Зулайхо қўлида пичоқ билан ушбу ўқиган байти:

Сани учун Ҳалбдин ғариб бўлуб келибман,
Чекибман интизоринг сомондек бир ғарибман,
Умид узган чоғимда жамолинг кўрибман,
Кўруб ойдек жамолинг баттар куюб ўлибман,
Йўлунгда эгилибман, кел ҳосил эт муродим.

Зулайхоким бичоқ кўксига қўйди,
Юсуфни ишқида жонига тўйди.
Юсуф билди ўзини ўлдиродур,
Зулайхо дардидин фориг бўлодур.

Миср Азизининг ҳазрат Юсуфни зиндонга солдиргани:

...Маломатни сўзи оламни олди,
Бу сўзлар Миср ичра баче ёйилди.
Гумон қилди Азизи Юсуф дегандур,
Ани учун ҳама фаҳм айлогандур.
Бу сўзни ул оғзидин чиқарибдур,
Ани учун ҳама олам билибдур.
Ани эмди жазоси бўлди зиндон,

Ани зиндонга сол деб қилди фармон.

Аёғ-қўлини занжирга олинг,

Яна бўйнига оҳан ҳалқа солинг.

Ани айғонидек қилдилар ани,

Яна зиндонга солди ул замони.

Мутеъ бўлди анга зиндон эгаси,

Юсуф қилдилар ҳурмат ҳаммаси.

Зулайхони кўринг эмди чидолмас,

Юсуфни изини излаб тополмас.

Юсуф алайҳис-салом зиндондагиларнинг тушларини таъбир қилганлари:

Сўзи зиндонийларга жонда эди,

Ўзи зиндонийларнинг ёри эди.

Яна туш кўрсалар таъбир айтодир,

Ани дегонлари воқе келодур.

Бу сирни кўрдилар икки маҳрам,

Сўроли дедилар таъбирни биз ҳам.

Бу кеча қилдилар нийят иккови,

Бири туш кўрди, кўрмади бирови.

Дедиларким косадор бу сирни кўрдим,

Яна Райёнға бориб коса сўндим.

Бирови айди ман туш кўрганим йўқ,

Ётиб ухлаб қолибман билганим йўқ.

Агар сан кўргонинг десанг бу дамда,

Айтой ман ҳам деди ёлғонни мунда.

Иккови келдилар Юсуф қошиға,

Адаб бирла ўтурди ҳазратиға.

Деди соқий бу кеча ман шароби,
Сўнубман подшоҳга беҳисоби.
Адази ичти манга қайтарди сарқут,
Карам айлоб деди ани олиб ют.
Яна айди бирови бир сават нон,
Кўториб борур эрдим суви Райён.
У нонни Райёнга еткурмадилар,
Барисини олуб қушлар едилар.
Деди Юсуф бири яхши, бири бад,
Очуб аймодилар бу сўзни ул хад.
Деди бу соқийга Юсуф охир дамда,
Чикориб санга ул лутф айлағай чинда.
Ани кўруб дедилар хон солорға,
Сани олиб чиқиб оқуси дорға.
Қолурсан осилиб дорни бошиға,
Сани гўштинг бўлур ем барча қушға.
Деди туш кўргоним йўқ эрди ҳаргиз,
Нечук анга ёлғон таъбир айтосиз.
Деди ёлғон тушунга бўлди лойиқ,
Бу деган ўшал тушга мувофиқ.
Олиб чиқтилар ани иккисин,
Тақи ўрнуға қўйди бирисини.
Бирисини чикорди осди дорға,
Еди ани гўштин алқисса фолға.

Райённинг туш кўргани ва уни ҳазрат Юсуф таъбир қилганлари:

Малик ул кечаси туш кўрди анда,

Қилиб ларза Маликни жони танда.
Чиқиб етти ҳўкиз дарёйи Нилдин,
Семизликдан оқодур ёғи қилдин.
Яна етти ориғ ҳам бўлди пайдо,
Семизларни ютиб юборди андо.
Бу тушни кўрди сачроб турди Райён,
Билолмай таъбирини бўлди хайрон.
Ҳама туш таъбиридин бўлди ожиз,
Бариси бўлдилар нодон ножоиз.
Деди Райён қани туш этса таъбир,
Ғазаб кетса мани қилмаса дилгир.
Савол этти тушини анда Райён,
Қулоқ солиб турурди неча минг жон.
Юсуф қилди таъбирга иноят,
Етти йил дедилар бўлғай фароғат.
Бўлур бул етти йил арзон амоли,
Ани кейинида ҳам келгай амони.
Яна очлиқ бўлур етти йил андоғ,
Ҳам ул очлиққа тоқат қилмагай тоғ.
Бу етти йилда қатра нам томилмас,
Яна ердин бир зарра гиёҳ унмас.
Муни эшитти анда шоҳ Райён,
Юсуфни олдида келтурди иймон.
Тамом тож-тахтин анга берди,
Юсуфни ўзига фарзанд қилди.
Юсуф бир ерни хоҳлаб қалъа қилди,
Жамъи ғаллаларни анда қўйди.

Етти йил ўтти андоғ беҳаловат,
Халойиқ айлоди яхши маишат.
Адо бўлди етти йил утти тўқлук,
Кўрунглар эмди қарши келди йўқлук.
Еди аввалғи йил ғаллаларини,
Иккинчи йил еди молларини.
Учинчи йил сотуб олтинларини,
Едилар халқ томом пулларини.
Яна тўртинчи йилда мулк-асбоб,
Сотиб авқот қилдилар баҳр боб.
Бешинчи йил ҳама ўқлонларини,
Сотиб еди ўғил-қизларини.
Олтинчи йил ҳама ўзини сотти,
Юсуфни қул дегон олдиға қайтти.
Қолибдур очлиқдин эмди бир йил
Халойиқ ҳолиға бўлди бәсе мушкул.
У кунларда Зулайхо ҳам бўлуб оч,
Юрур эрди бир ерда нонға муҳтож.
Баҳона очлиқни қилди ул он,
Сурон солди ул ерда жонға тўйғон.
Эшиттилар ани Юсуф унини,
Дедилар бу нечук нола ҳазини.
Деди Юсуф ани олиб келинглари,
Кўройин хидматимга келтуринглари.
Зулайхони Юсуф авф қилди,
Ҳама қилғонларини маҳв қилди.

Алқисса, Юсуф ва Зулайхо мурод-мақсадларига етадилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом 110 йил умр кўрадилар¹.

Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” достони ҳақида гапирганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бутун борлиқ хуснининг ўндан бир қисмига эга бўлган ҳазрат Юсуф алайҳис-салом тимсолини яратиш муаллиф зиммасига улкан масъулият юклаган. Шоир шундай шарафли вазифани ўз маромига етказиб бажара олган, деб айтиш мумкин. Холис Юсуф ва Зулайхонинг кечинмаларини тасвирлар экан, хилма-хил бадиий тил воситаларидан моҳирона фойдаланган. Ўз фикрини лўнда, сиқик тарзда беришга интилган.

Хулоса қилиб айтиш ўринлики, Холиснинг бизгача етиб келган асари XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг йирик вакили эканлигини исботлайди. Бу эса ўқувчини шоирнинг асарларини иштиёқ билан ўқиб, ижодкор номини ардоқлашга ундайди.

¹ Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992 й.109-б.

2.2 Туркий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг мавзуй хусусиятлари

“Юсуф ва Зулайхо” Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, итурли давр ва турли халқлар шоирлари томонидан қайта-қайта қаламга олинган сайёр сюжетли қиссалардан бири.

Дастлаб, халқ оғзаки ижоди намуналаридан, сўнгра муқаддас китоблардан жой олди. Аста-секин бу қисса кўплаб шоиру адибларни ўзига жалб қила бошлади. Нафақат Шарқ балки Ғарб адабиётидан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Шарқ адабиётида дастлаб, бу қисса X асрлардан бошлаб қаламга олина бошлади. Диний мавзудаги бу қисса кейинчалик ўзида дунёвий масалаларни ҳам бирлаштира олди. Масалан, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги Юсуф қиссаси диний мавзуда бўлиб, у айнан Қуръондаги суралар асосида яратилган. Фирдавсий яратган “Юсуф ва Зулайхо” достони эса дунёвийлашган бўлиб, у бир қадар Қуръон сураларидан узоқлаштирилган.

XV асрда яшаб ижод этган балхлик туркийгўй шоир Дурбек томонидан яратилган Юсуф ва Зулайхо достони юксак бадиий маҳорат билан тўлиқ ишланган ва бизга маълум бўлган ўзбек тилидаги баркамол дostonларнинг қадимгисидир. Дурбек ўзбек халқи тарихида юз берган тўс-тўполонлар содир бўлаётган бир даврда яшаб ижод этди. У жаҳон миқёсида кенг тарқалган сюжетга- Юсуф ва Зулайхо қиссасига мурожаат қилиб, уни ўз замонаси талаби билан қайта ишлади. Натижада Дурбекнинг достони замонавий асарга айланди ва унда XIV-XV аср ўзбек халқи ҳаёти учун характерли бўлган масалалар кўтарилган

Дostonда кўзга ташланадиган муҳим характерли томонлардан бири унинг замонавий бўлишидир. Ўзбек адабиёти тарихида дунёвий ҳаётни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замон руҳини ўзида акс эттира олган дostonлардан бири Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”сидир. Дурбек асари

каҳрамонлари характерини, руҳий кечинмаларини ўзбек халқи ҳаёти билан боғлай олди. Шоир ижоди мураккаб бир даврга тўғри келди.

Дурбекнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган буюк хизмати унинг анъанавий сюжетни Қуръон доирасидан узоқлаштириш ва уни ҳаётийлаштиришидадир. Достон орқали у XIV аср охири XV аср бошларидаги муҳим воқеаларни беришга муваффақ бўлди. Дурбекнинг достони ҳам Холис достонидаги каби анъанавий муқаддима- Оллоҳга ҳамду санолар билан бошланади. Сўнгра жаноби Расул акрамнинг наъти, китоб назмининг сабаби каби фасллар берилади.

Дурбекнинг ўзига хос маҳорати достондаги ишқ мавзусини салафларига қараганда анча жўшқин, кенг ва чуқур талқин қилишида намоён бўлади. У ўзи мурожаат қилган мавзунини ўзи яшаган давр ва замон нафаси билан суғора олди ва янгича мазмун касб этди. Дурбек ўзи яшаб турган муҳитда юз берган тарихий воқеаларни, хусусан темурий шаҳзодаларнинг тож-тахт талашувлари ва халқ бошига тушган оғир кулфатларни киритишга муваффақ бўлди. Балх шаҳри халқи торган оғир азобни кўп қийинчиликларга дучор бўлган Юсуф тимсоли орқали очиб беришга интилган Дурбек ва у яратган достоннинг бадиий қиймати, тарбиявий ва маърифий аҳамияти ҳам шундадир. Достоннинг пафоси тинч-тотув яшашга чақиришдан иборатдир. Демак, Дурбек илгари сурган ғоя аҳиллик, тотув ҳаёт кечиришдир.

Достондаги асосий воқеа Юсуфнинг саргузаштидир. Бошқа воқеа ва саргузаштлар у билан узвий боғланиб боради, уни тўлдиради ва такомиллаштиради. Қул хотин ва Башир воқеаси эса достондаги асосий воқеани мазмун ва бадиий жиҳатдан бойитувчи воқеа бўлиб хизмат қилади.

Дурбек достонида Балх қамалини тасвирлайди. Айнан ана шу камал ичида қолган Дурбек “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзади ва уч ой давомида содир бўлган зулмни шундай тасвирлайди:

Қалъаи Балх ўлди чу дарвозаданд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд.

Шаҳар чу дўзах киби зиндон эди,
Ташқари бир равзаи ризвон эди.

Халқ бу шаҳар ичра базиндон эди,
Меҳнат ўтидин бари бирён эди.

Ушбу қамал халқ уч ой тамом,
Ер эдилар ғуссаи ғам субҳу шом¹.

Бошқа ижодкорлар сиргари Дурбек ҳам дostonни Юсуфнинг туш кўриши ва отасининг таъбирини келтиради. Ўн икки ёшли ўғлининг тушини эшитган ота тушнинг келажакдан башорат эканини англаб, ўғлига тушнинг таъбирини айтиб беради ва унга эҳтиёткорликни маслаҳат қилади:

Деди Яъқуб аё ўғлум шаҳаншоҳликни тахтидур,
Ки, ҳар кимга муяссар бўлса, ул қулни тахтидур,
Ани олдида ҳозир жумла оламини вахтидур,
Бу тушунгдин Юсуфим санга давлатни вақтидур,
Умидим ул ҳукмингда сани жумла жаҳон бўлсун².

Аммо акалари тушнинг таъбирини эшитадилар. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳеч нима дейилмаган. Алишер Навоий бу воқеани шундай тасвирлаган: “қариндошлари ул тушни ва оталари таъбирини эшитиб, мутағайир бўлиб,

¹ Дурбек. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Фан. 49-б.

² Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№1391, Б-11А

Юсуф алайҳис-салом қасдиға бел боғладилар”¹. Бу тасвир Дурбекда ҳам, Холисда ҳам берилган.

Холис бошқа ижодкорлардан фарқли ўлароқ ўқувчиниинг тасаввур доирасини янада кенгайтириш мақсадида Юсуфнинг болалиги ҳақида ҳам тўхталади. Ўз укасига ҳасад қилган акаларни шайтон васвасага солади. Юсуфни ўзларига қўшиб юборишни сўраб фитна уюштирадилар. Рози бўлмаган оталарини ишончсизликда айблайдилар. Ўғлини акаларига қўшиб юборишни отанинг кўнгли истамайди. Чунки Юсуфни отаси жонидан ҳам ортиқ кўради. Бу ҳолат Холис ва шу мавзуга мурожаат қилган бошқа ижодкорларда ҳам учрайди.

Қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари тасвири воқеаларнинг моҳиятини тўлиқроқ очиб беришга, персонажларнинг маънавий қиёфаси билан яқиндан танишишга ёрдам беради. Юсуфнинг онаси қабри устида қилган нола-фиғони, чоҳдаги кечинмалари, зиндондаги кайфияти, Зулайхонинг ҳижрон азоби ва бошқалар шулар жумласидандир. Юсуфнинг онаси қабри устида қилган нола-фиғони бошига оғир кулфатлар тушган гуноҳсиз, ожиз йигитнинг дард-аламини тўла очиб бера олган:

Мани ҳакам худо бирла ўлум қилди жудо сандин,
Бу кун кўргил тириклойин жудо бўлди бобом мандан,
Жудо туштим яна Ибн Яминим брла Норжондин,
Мани кўнглумда йўқтур ҳеч нимарса ғайр армондин,
Она билсанг сотилдим қул бўлиб мундоғ нишоним бор².

Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”си ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Дурбек форс-тожик тилида ижод қилиш анъанларига эргашмади, балки ўз она тилининг ҳомийси ва жарчиси бўлди, бу тилда муваффақият билан йирик ва гўзал эпик дoston яратди. Дoston XV аср

¹ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тошкент: Фан. 2000 й. 336-б.

² Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№1391, Б-55 А

бошларидаги халқ жонли тилига жуда яқиндир. Орадан беш ярим аср ўтган бўлишига карамай, бу дoston тили жиҳатидан ҳозирги куннинг китобхони учун у кадар қийинчилик туғдирмайди.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи учун маънавий ва бадий манбалардан бири бўлди, унинг ғоявий-бадий кимматини, халқчиллик руҳини оширди.

Форс-тожик адабиётининг йирик намоёндаси Абдурахмон Жомий ҳам ушбу мавзуда гўзал бир дoston яратди. Огаҳий таржима қилган бу асар ўзининг содда тили, жомийона тасвир воситалари билан ўқувчининг қалбига тез етиб боради. Тили содда, ўқилиши осон. Сюжет чизиқлари мураккаблашмаган. Воқеалар ривожини бир текисда кетади. Жомий ўз “Хамса”си таркибига қуръоний мавзу-Юсуф қиссасига мурожаат қилиб, “Юсуф ва Зулайхо” дostonини киритади. Келиб чиқиши жиҳатидан қуръон афсоналарига бориб тақаладиган бу сюжет Жомий қаламида реал инсоний севгини тараннум этувчи ажойиб ишқий-саргузашт асарга айланган.

Дostonдаги бутун-бутун боблар Зулайхонинг оташ муҳаббати тасвирига бағишланган. Шоир севган қаҳрамонининг ишқ ва садоқатини ҳароратли байтларда, ҳаяжонли эпизодларда қалб кўри билан тараннум этади. Жомий Зулайхо характерини мукамал яратиш учун уни кўпроқ ўз тилидан гапиртиради. Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonида ҳам Зулайхо оташин муҳаббат соҳибаси сифатида тасвирланган:

Аё Юсуф етти йилдур мани ҳолим хароб эттинг,
Юрокға ишқ ўти солдинг чекти бағрим кабоб эттинг,
Мани бечорага жабру-ситамлар беҳисоб эттинг,
Кўрарман кун сари ҳусну жамолинг офтоб эттинг,

Бўлубман санга кўб ташна юрак қоним шароб эттинг¹.

Жомий асосий эътиборини Зулайхога қаратади. Шоир Зулайходаги соф инсоний муҳаббат туйғуларини тасвирлар экан, бу образнинг инсон қалбига хос орзу-тилаклари, ҳис-туйғулари, ўз бахтига интилишларини турли шароитларда, ҳолат ва вазиятларда кўрсатишга ҳаракат қилади. Холис эса ўз асарида Юсуфга кўпроқ эътибор қаратади. Воқеалар тизмасини унинг атрофида чизади. Асосий воқеалар у билан кечади. Жомийдаги Зулайхо самимий муҳаббат билан яшовчи, бу йўлда тинмай ҳаракат қилувчи образ. Шу боисдан Зулайхо бутун асар давомида ошиқона фарёд чекиб ўтади. ўз аламига ёлғиз ўзи қовурилади. У ота-онаси, дояси қилган панду насиҳатларга ўрин йўқлигини, у энди бу йўлдан қайта олмаслигини дадил айтади:

Зулайхо деди: бўлса ихтиёрим,

Бўлурму эрди мундоқ корборим.

Эмас мумкин менинг тадбир корим,

Ки, илгимдин борибдур ихтиёрим.

Ўтирмиш кўнглима бир нақш маҳкам,

Ки, маҳкам қилди нақш сангидин ҳам².

Умуман олганда, биз танишиб чиққан уччала ижодкор ҳам сайёр сюжетга мурожаат қилган бўлса-да, уларнинг асарларида бир талай фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бирида ўзига хослик бор. Асарнинг ёзилиш услубида, тасвирий воситаларда бу нарса кўзга яққол ташланади. Лекин бир нарсани қайд этиб ўтиз зарур: Жомий ва Холисга қараганда Дурбек “Юсуф ва Зулайхо” қиссасини ўзига хос ва маромига етказиб ёзган. Яъни Дурбек ўз

¹Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв.№1391, Б-68Б

² Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Огаҳий таржимаси. Асарлар. 6 жилд. 3-жилд. Токент: 1974й.

асарини замон руҳи билан тўйинтиради. Бу эса асарнинг ишончли ва жонли чиқишида катта роль ўйнаган.

Холис асаридаги ўзига хослик Зулайхо тимсолининг ишонарли чиқишидир. Унинг тасвирида Зулайхо ўзлигини англайди, ботиний покликка эришади. Шу боис Холис яратган Зулайхо бошқа ижодкорлар яратган Зулайхолардан фарқланиб туради.

II боб бўйича хулоса

Ўзбек адабиётида сайёр сюжетли асарлар жуда катта салмоққа эга. Шундай асарлардан бири “Юсуф ва Зулайхо” туркум қисса ва дostonларидир. Ушбу тадқиқот ишида туркий “Юсуф ва Зулайхо”лар ва шу билан бирга истеъдодли шоир Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи алоҳида тадқиқ қилинди. “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Ўз РФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма нусхаси ўрганиб чиқилди.

Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи ва Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”си билан қиёсий ўрганилиб, умумлашма хулосалар чиқарилди. Тадқиқотдан шу нарса аён бўлдики, юқоридаги дostonлар мавзу жиҳатидан, сюжет томонидан ўхшаш бўлиши мумкин, аммо улардаги илгари сурилаётган ғоя томонан ўзгача мазмун касб этади. Дурбек дostonининг пафоси тинч-тотув яшашга чақиришдан иборат. Демак, Дурбек илгари сурган ғоя аҳилликда тотув ҳаёт кечиришдир.

Жомий эса реал инсоний севгини тараннум этувчи ишқий-саргузашт асардир. Холис ўз дostonида чин инсоний фазилатларни кўрсатиб бера олган. Бу фазилатлар Юсуф сиймосида гавдаланади.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ушбу сайёр сюжет ҳар бир ижодкор қаламида янгиланди ва ҳар бири ўз ғоясини дoston мазмунига сингдира олди.

III БОБ. “Юсуф ва Зулайхо” таржималари, нашрлари ва текстологик таҳлили

3.1. Форсий “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг ўзбекча таржималари

“Юсуф ва Зулайхо” йиллар давомида адабиёт ихлосмандларини ўзига чорлаб келди. Бу асарларни тўғридан-тўғри ўқиш ҳар доим ҳам осон бўлмаган. Шу боис яратилган асарлар ўз ўқувчисига етиб бориши учун таржимага эҳтиёж сезилади. Шу мақсадда кўплаб таржималар амалга оширилади. Қардош халқлар адабиётидан қилинган таржималар орасида Огаҳий таржималари эътиборга моликдир.

Огаҳий таржимаси учун асос қилиб олинган Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони форс-тожик ва туркий тилларда бу мавзуда ёзилган асарларнинг энг мукаммали, айтилишида , бадиий жиҳатидан энг кучлиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу дoston Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ва катта шуҳрат қозонган. Бу асарнинг халқ ўртасида бундай шуҳрат қозонишининг сабаби шунда эдики, Жомий бу сюжет орқали ҳаёт ва инсон ҳақида, инсоннинг турмушдаги ўрни ва бурчи ҳақида ўзининг ажойиб орзу-умидларини ёрқин образларда зўр маҳорат билан сўзлаган эди. Жомий яратган “Юсуф ва Зулайхо” достони инсонни улуғлаш, инсон ҳис-туйғуларини тараннум этиш, ундаги азиз ва муқаддас бўлган муҳаббат кечинмаларини мадҳ этишга қаратилган.

Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони унинг “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) деб аталган ва етти китобдан ташкил топган асарининг учинчи китобидир. Бу дostonни адиб 1483 йилда ёзиб тугаллайди. Достоннинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Яъқубнинг энг кичик ўғли Юсуф гўзалликда танҳо эди. Отаси уни қаттиқ севар, уни юрагининг юпанчи, дардларининг малҳами деб билар эди. Юсуф икки яшарлигида онаси оламдан ўтти. Яъқубнинг бошқа хотинидан ҳам

болалари бўлиб, уларнинг ҳаммалари отасининг Юсуфга муҳаббати учун рашк қилар ва Юсуфни йўқ қилмоққа аҳд тузган эдилар.

Мағриб шоҳи Таймуснинг қизи Зулайхо бир куни туш кўрди. Тушида унга хусну жамолда ва фазлу камолда ягона бир йигит учради. Зулайхо унга кўнгил бериб ошиқу шайдо бўлиб қолди. Учинчи бор тушида кўрган йигит Зулайхога ўзининг Миср Азизи эканини айтди. Шундан сўнг Зулайхо Миср Азизининг никоҳига хурсандлик билан ўтди. Аммо Мисрга келгач, эри тушида кўрган йигит эмаслигини билди ва қайғуга чўмди.

Юсуфнинг акалари лола термоқ баҳонасида уни чўлга олиб чиқадилар ва уни бир қудукқа ташлайдилар. Улар Юсуфнинг кийимини ечиб олган эдилар. Бу кийимини қонга белаб Яъқубга келтирдилар ва Юсуфни бўри еб кетди, мана унинг кийими, деб кўрсатадилар. Яъқуб Юсуф фироқида йиғлай-йиғлай кўр бўлди.

Чўлдан ўтаётган карвон қудукдан Юсуфни топиб олди. Карвонбоши Молик Мисрга келгач, Юсуфни қул бозорида сотмоқчи бўлади. Юсуфни кўрган Зулайхо тушида кўнгил берган йигит шу эканини таниб уни сотиб олади. Зулайхо Юсуфни ўз уйига келтириб уни ўзининг хизматчиси қилиб сақлайди. Зулайхонинг Юсуфга бўлган муҳаббати тобора авж олади. Аммо Юсуф Зулайхога бефарқ эди. Зулайхо Юсуфга ўз муҳаббатини изҳор этади. Аммо Юсуф бунга қарши бўлади. Шунда Зулайхо ғазабга келиб Юсуфни зиндонга солдиради. Аммо ўзи бундан кўпроқ азият чекади. Чунки энди Юсуфни кўрмоқдан маҳрум бўлган эди.

Юсуф зиндондагиларнинг тушини таъбирлайди ва улар рўёбга чиқади.

Шундан сўнг Миср шоҳнинг тушини ҳам таъбирлайди. Миср шоҳи Юсуфнинг авлу заковатига тан беради ва уни зиндондан озод қилади ҳамда Миср Азизи этиб тайинлайди. Юсуф тадбиркорлик билан иш тутиб, Миср

халқини очлик ва қаҳатчиликдан асраб қолади. Элу юрт ўртасида катта обрў козонади. Бу вақтда Зулайхонинг эри оламдан ўтади.

Зулайхо эса Юсуфнинг ишқида куя-куя кул бўлади. Унинг юзларига ажин тушиб, сочлари оқариб кетган эди. У Юсуф ўтадиган йўл бўйида яшар, Юсуф бу йўлдан ўтганида унинг отини изларини кўзига суртар эди.

Бир куни Зулайхо Юсуфнинг қаршисига чиқади ва ўз аҳволидан шикоят қилади. Юсуф унга тила тилагингни деб сўрайди. Ёшлик малоҳатим ўзимга қайтса деб тилак билдиради. зулайхонинг тилаги амалга ошиб ғоят гўзал бир қизга айланади. Юсуфнинг юрагига муҳаббат олови тушади ва улар бир-бирларига етишиб бахтиёрликда яшайдилар. Юсуф ва Зулайхо чеккан машаққатлари эвазига бахтли турмуш кечириб охири бирин-кетин дунёдан ўтдилар.

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонини тожик тилидан ўзбек тилига биринчи маротаба Муҳаммад Ризо Огаҳий таржима қилган эди. Огаҳий достоннинг ғоявий асосларини тўлиқ сақлаб қолди, бадиий хусусиятларини юксак истеъдод ва маҳорат билан ўзбек тилида акс эттирди. Асарнинг асосий ғоявий-бадиий хусусиятлари ўзгармайди, асар қийматига путур етмайди. Аксинча, Огаҳий ўз истеъдоди орқасидан оригиналдан ҳеч ҳам қолишмайдиган ўзбекча вариантини яратишга муваффақ бўлади.

1971 йили Тошкентда нашр этилган “Абдурахмон Жомий” китобида “Юсуф ва Зулайхо” достонидан бир парча шоир Назармат таржимасида эълон қилинди. Олимжон Бўриев эса 1964 йил, Душанбенинг “Ирфон” нашриётида босилган матнга мувофиқ ушбу достонни таржима қилган¹.

Ҳар уччала адиб ҳам бир достонни таржима қилгани билан улар орасида тафовутлар бисёр. Аммо шоир Назармат ва Олимжон Бўриевларнинг

¹ Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ўзбекистон КМК нашриёти. 1983 й.

таржималарида ўхшаш жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Қуйида дostonнинг бошланиш мисраларини солиштириб кўрамиз:

Назармат таржимасида:

Тангри менга очгин умид ғунчасин,
Кўрсат жаннат боғи гулин жилвасин.
Яшнат у гул кулкисидан боғимни,
Баҳра олдир исидан димоғимни.
Бу беором машаққатли жаҳонда,
Не насибам бор, уни айт шу онда¹.

Олимжон Бўриев таржимаси:

Умид ғунчасини очгил илоҳи,
Мангу жаннат гулин кўрсатиб гоҳи.
Ул ғунча лаби-ла кулдир боғимни,
Бу гулдан хушбўйроқ қил димоғимни.
Бу нороҳат этган ғамларни кетказ,
Ўз неъматларимга бир йўла етказ².

Бундан кўриниб турибдики, ҳар иккала адиб ҳам бир матн асосида бу дostonни таржима қилганлар. Қуйида Жомий дostonини таржима қилган ҳар уччала адибнинг Зулайхога таърифи ҳақида тўхталамиз:

Огаҳий таржимаси:

Ки, Мағриб мулкида бор эрди шоҳе,
Оти Таймус, соҳибдастгоҳе.
Фалак белини боғлаб хизматида,
Зафар эрди мулозим ҳазратида.

¹ Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ўзбекистон КМК нашриёти. 1983 й. 244-б.

² Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ўзбекистон КМК нашриёти. 1983 й. 7-б.

Бор эрди бир қизи раъною зебо,
Жамол аҳли аро оти Зулайхо.
Дема қиз, дуржи исмат гавҳари, де,
Шаҳаншаҳлик спехри ахтари де.
Баён ҳадди эмас васфи жамоли,
Кўнгулга келгуси маҳзи хаёли¹.

Олимжон Бўриев таржимаси:

Бўлиб мағрибзаминда шоҳ баномус,
Суриб даврини оти эрди Таймус.
Фалак гуруҳига жавзодан камар
Боғлади, тиғига пайванддир зафар.
Бўлиб Зулайходек сулув бир қизи,
Олам ичра анинг ёруғдир юзи.
На қиз минорада юлдуздек ҳар чок,
Шоҳлик қутисидан нур сочар чарок.
Истеъдодим синаб унинг хаёли,
Баёнда сиғмагай васфи жамоли².

Назармат таржимаси:

Ғарб элида бор эди шоҳ, бономус,
Шон-шуҳрати зўр эди, исми Таймус.
Фалак боғлаб белга жавзожан камар,
Тиғига пайванддир доимо зафар.
Қизи гўзал эди, номи Зулайхо,

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Огаҳий таржимаси. 3-жилд. 18-бет.

² Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. ЎзКМК нашриёти. 1983 й. 17-бет.

Унинг ҳусни машҳур эди эл аро.
Бир қиз эмас, шоҳ буржин бахт юлдузи,
Шоҳ бойлигин порлаб турган бахт кўзи.
Беқиёсдир ҳуснин васфин баёни,
Хаёлидан синай созни бу они¹.

Юқоридаги парчалардан шу нарса аён бўладики, маъно-мазмун жиҳатидан таржималар ўртасида тафовут йўқ, лекин баён қилиш усулига кўра Огаҳий таржимаси қолганларидан ажралиб туради. Чунки Огаҳий шунчаки таржима қилмади, аксинча у бор маҳоратини ишга солиб оригиналдан ҳеч ҳам қолишмайдиган асар яратишга муваффақ бўлади.

Кейинги ўринларда ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланади:

О.Бўриев таржимасида:

Ишқ камони ҳар қаёнга отса ўқ,
Уни қалқон билан тўсиб бўлмас, йўқ.
Ичкарида бўлса агар тийрхона,
Ташқаридан бўлар юзлаб нишона.
Хуш эрур донолар бу сўзин айтмоқ,
Ишқу мушк таралур яширсанг ҳар чоқ.
Агар мушкин юз пардага ўраб, тўй,
Чиқар юз пардадан ғаммози ул бўй.
Зулайхо севгисин махфий асрабон,
Кўксига ғам тухмин экарди пинҳон².

Назармат таржимаси:

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971 й. 254-бет.

² Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. ЎзКМК нашриёти. 1983 й. 27-бет.

Ишқ камонин ўқи тушса қаерга,
Уни сўрмоқ тўғри келмас тадбирга.
Ичи ўққа бўлмаганда ҳам нишон,
Ташқаридан кўрсатади юз минг жон.
Ишқ кўйидан қисса сўзламоқ маъқул,
Ишқ мушкинин сўзламоқ – яхши буткул.
Юз қават пардага ўралган билан,
Мушкнинг ҳидини тарқаб дерки: “Мана ман”
Ишқни пинҳон тутар эрди Зулайхо,
Ғам уруғин қалбга этар яширин жо¹.

Бу дoston, айниқса, ўзининг оташ муҳаббат тараннуми билан ажралиб туради. Катта-катта боблар Зулайхонинг оташин муҳаббат тасвирига бағишланган:

Бериб бир саркаш илгига иноним,
Жафоси бирла қилдинг қасди жоним.

Солиб бошимга зулмоти шаби ғам,
Манга кўргузмос ўзни уйкуда ҳам.

Чу уйғоқлик аро эрмас қариним,
Тушимда доғи бўлмас ҳамнишиним.

Ёруғ толеъ нишонидур ул уйқу,
Ки, онда кўргомен ул ойни ўтру.

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971 й. 264-бет.

Кўзум қилмайдурур уйқулоб ором,
Берурмен бахтим уйқусин анго вом-¹

Абдурахмон Жомийнинг учинчи достони бўлмиш “Юсуф ва Зулайхо” 1483 йилда ёзилган. Шарқда бу достоннинг жуда кўп вариантлари мавжуд бўлиб, уни қаламга олган ҳар бир ижодкор асарга бирор ўзгариш ва янгилик киритишга ҳаракат қилган. Жомийнинг ушбу асари адабиётшунослар талқинича, тақдирга тан беришга чақирувчи асар бўлмай, аксинча инсонни юксак туйғулар йўлида ҳар қандай кучларга қарши босиб ўтган мусаффо муҳаббат ғалабасини мадҳ этувчи жўшқин асардир. Шу сабаб ҳам у асрлар оша халқимизнинг энг севимли достони бўлиб келмоқда. Ўтмишда Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сидан илҳомланган ўнлаб ижодкорлар бу асарга катта ҳурмат билан ёндошдилар. Айрим ижодкорлар эса Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сини ўзбек тилига таржима қилиб, халқимиз орасида кенгроқ ёйилишига ҳаракат қилдилар.

¹ Жомий. Юсуф ва Зулайхо. Огаҳий таржимаси. 3-жилд. 35-бет.

3.2. “Юсуф ва Зулайхо”ларнинг нашрлари ва текстологик таҳлили

Умумшарқ миллий меросига мансуб “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси узоқ тарих ва адабиётнинг нодир дурдонаси сифатида қадрланиб келинган. Бу қисса ўнлаб ижодкорларни ўзига жалб этиб келган. Тарихий даврнинг деярли барча босқичининг ўз “Юсуф ва Зулайхо”си мавжудлиги фикримиз далилидир. Унинг илдизи милоддан аввалги даврларга тўғри келади. Халқимизнинг бу ноёб дурдонага бўлган қизиқиши унинг қисса шаклида, мухтасар ифода этилишига туртки берган, дейиш мумкин.

XX аср бошларида Ўзбекистонда насрий “Юсуф ва Зулайхо”лар бир неча маротаба Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда матбаа йўли билан чоп этилганлиги маълум. Хусусан, Бухорода ҳижрий 1322 (1902-1903) йилда нашр этилган “Туркий Юсуф ва Зулайхо” ва Самарқандда ҳижрий 1325 (1905-1906) йилда босилган “Мусаммо бар Юсуф-Зулайхо” насрий қиссалари мавжуд.

Самарқандда ва Бухорода XX аср бошларида босилган бу икки қисса ҳам ўзбек тилида, матнлари бир хил уйғунликка эга, тафовут фақат қиссаларнинг номланишида, холос. Бухорода, рус подшоҳининг сиёсий агентлиги томонидан нашрга рухсат этилган ва Гайсинский-Бендецкийлар литографиясида чоп қилинган “Туркий Юсуф ва Зулайхо” қуйидагича бошланади:

“...Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстони куҳан ва хушчинони хирмани суҳан андоғ ривоят қилурларким”.

Бухоро нусҳасида жами саҳифалар 131 бетни ташкил этади ва мукаммал этиб келганлиги билан ажралиб туради. Насрий қиссанинг хотимаси “Анда Зулайхо муножот қилдики, эй поко парвардигоро, агар якка ва танҳо ва холиқи беҳамтолиғинг ҳақ бўлса, манинг жонимни олғайсан, деб Юсуф қабрларини қучоқлаб жон берди”, деган сўзлар билан якун топади.

Самарқанд нусхасида 108-бетдан сўнгги варақлар йўқ, тушиб кетган. Қиёс шуни кўрсатадики, ҳар иккала нусха бир матн асосида нашр этилган¹. 1902 йилги Бухоро ва 1905 йилги Самарқанд нусхаларида мусанниф ва котиб исми шарифлари қайд этилмаган. Матннинг умумий бадиияти унинг халқ оғзаки ижоди маҳсули эканлигидан далолат беради, унда ўзбек халқ достонларига хос сифатлар бўртиброқ туради, шу билан насрий баён талабларидан келиб чиқадиган жиҳатлар ҳам сезиларли. Насрий баён назмий ифода воситасида янада кучлантирилади, таъсир салоҳияти оширилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, насрий “Юсуф ва Зулайхо” қиссасига қайси бир асар асос бўлганини айтиш мушкул, аммо, уни ўқиган, мушоҳада қилган киши Қуръони каримдаги Юсуф сураси, шунинг, Носириддин Рабғузийнинг Юсуф ҳақидаги қиссаси ва Дурбекнинг назмий “Юсуф ва Зулайхо” достони чуқур истифода қилинганлигидан огоҳ бўлмай қолмайди.

Бу туркум қисса ва достонлар XX аср бошлариданок нашр қилина бошлади ва у бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Хусусан, биргина Жомий қаламига мансуб “Юсуф ва Зулайхо” достони Огаҳий, Назармат ва Олимжон Бўриевлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Огаҳийнинг 6 жилдлик асарлар тўпламининг 3-жилди таркибига кирувчи таржимаси 1974 йилда Тошкентда Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр этилди. Назармат таржимаси ҳам шу нашриёт томонидан 1971 йилда нашрдан чиққан. Олимжон Бўриев таржимаси эса Тошкентда Ўз КМК нашриёти томонидан 1983 йил нашр қилинди.

Туркий Юсуф ва Зулайхоларнинг энг мукаммали сифатида эътироф этилувчи Дурбекнинг назмий достони ҳам 1986 йилда Ғ. Ғулом нашриёти томонидан нашр қилинди. Қуръон суралари асосида яратилган яна бир

¹ Олим Равшан. Туркий Юсуф-Зулайхо. Тошкент. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1995 й. Б-5.

достон Носириддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асари таркибига кирувчи Юсуф қиссаси “Ёзувчи” нашриёти томонидан 1990 йилда нашрдан чиққан. Олим Равшаннинг Туркий Юсуф-Зулайхо насрий достони Тошкентда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида 1995 йил нашр қилинди.

XX аср охирларида атоқли шоир Рамз Бобожон “Юсуф ва Зулайхо” драматик достонига қўл уради. Бу достон 2000 йилда Тошкентда Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр этилди.

III боб бўйича хулоса

Халқимизнинг “Юсуф ва Зулайхо” деб аталмиш ноёб дурдонага бўлган қизиқиши асрлар давомида яшаб келди. Бундан қарийиб 11 аср муқаддам бу асарга бўлган қизиқиш орта бошлади. Бу қисса ҳақида Ғарбу Шарқда юздан ортиқ асарлар яратилди. Биргина туркий тилдаги “Юсуф ва Зулайхо”лар қирк бешдан ортиқроқ. Қардош халқлар адабиётида яратилган “Юсуф ва Зулайхо”ларни ўқиш ҳар доим ҳам осон бўлавермаган. Шу сабаб бу қисса ўзга тиллардан ўзбек тилига таржима қилинди. Бу дoston ва қиссалар шунчаки таржима қилинмади, балки таржимон бор маҳоратини, истеъдодини ишга солиб, оригиналдан ҳеч ҳам кам бўлмаган дostonлар яратилди.

Бу нодир дурдона сарчашмаларидан келажак авлод вакиллари ҳам баҳраманд бўлишлари учун “Юсуф ва Зулайхо”лар нашр қилина бошлади. Бу анъана бугунги кунга қадар сақланиб, давом этиб келмоқда. Дастлаб, бу қисса хаттолар қўлида сайқал топган бўлса, эндиликда улар ноширлик йўли билан нашр қилинмоқда.

Умумий хулоса

Асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган келган ўзбек адабиётшунослиги бугунги кунда янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда. Мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ маданий мерос, бадиий ижод ва унинг тарихига буткул янгича ёндашув шаклланмоқда. Адабиётимизнинг ўрганилмаган қирраларини тадқиқ этиш ва шу асосда адабиётшунослик ва адабиёт тарихини ўрганиш тамойилларини ислоҳ қилиш янги замон талабларига таянган ҳолда шакллантириш кун тартибидаги долзарб масалалардандир.

“Юсуф ва Зулайхо” туркум дostonлари ана шундай асарларидан бўлиб, у мумтоз адабиётимизнинг янги қирралари, композицион-поэтик ранг-баранглигини намоён этади. Бинобарин, бундай асарларни ўрганиш, оммалаштириш муҳим вазифа бўлиб, ушбу тадқиқот шу йўлда олиб борилган изланишлар натижасида майдонга келади.

Тадқиқотда шоир Холис қаламига мансуб “Юсуф ва Зулайхо” дostonи таҳлилга тортилди. “Юсуф ва Зулайхо”нинг Ўз РФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма нусхаси ўрганилиб, у ҳақда муфассал маълумот берилди.

Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи Дурбек ҳамда Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”лари билан қиёсий ўрганилиб, умумлашма хулосалар чиқарилди.

Ўз даври адабиётининг ривожига муносиб ва салмоқли ҳисса қўша олган бу шоирларнинг ижоди ўзбек адабиётини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Холис ўз услубига, тилига, ижодий тафаккурига эга бўлган ижодкордир. Шу сабаб ижодкорнинг ғоявий юксак, бадиий жиҳатдан мукамал бўлган дostonи бугунги кунда ҳам ўзининг кадру-қимматини йўқотмаган.

Ушбу тадқиқот ишида туркий “Юсуф ва Зулайхо”лар алоҳида тадқиққа тортилди, уларнинг манбалари ўрганилди. Тўпланган манбалар даврлаштириб чиқилди. Улар даврий жиҳатдан ҳам, географик жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланади. Бундан ташқари уларнинг яратилиш услуби, образлар тизими, сюжет ва композицияларида ва тилида ҳам тафовутлар мавжуд. Холис, Жомий ва Дурбекнинг дostonлари ўзаро солиштирилиб уларнинг мавзуий, ғоявий-бадий хусусиятлари аниқланди ва умумлашма хулосалар чиқарилди. Тадқиқотдан шу нарса аён бўлдики, юқоридаги дostonлар мавзу жиҳатидан, сюжет томонидан ўхшаш бўлиши мумкин, аммо улардаги илгари сурилаётган ғоя тамоман ўзгача мазмун касб этади. Дурбек дostonининг пафоси тинч-тотув яшашга чақиришдан иборат. Демак, Дурбек илгари сурган ғоя аҳилликда тотув ҳаёт кечиришдир.

Жомий эса реал инсоний севгини тараннум этувчи ишқий-саргузашт асардир. Бу дostonда Зулайхонинг оташин муҳаббати жомийна куйланади. Холис “Юсуф ва Зулайхо” дostonида чин инсоний фазилатларни юксак маҳорат билан кўрсатиб бера олган. Куръон ва унинг киссалари ҳидоятдан иборат бўлмай, асосий мақсад кишиларни саодат йўли- иймон-ислом йўлига тарғиб қилиш, пайғамбарларнинг ўз ҳаётларида аҳли башарни эзгуликка даъват этиб келганларини ифодалашдир. Бу эзгу фазилатларнинг барчаси ҳазрат Юсуф алайҳис-салом сиймосида гавдаланади.

Алоҳида бир сюжетнинг муайян бадий адабиётдаги тарихий тадрижини ўрганиш ғоят қизиқарли илмий хулосаларга келиш имкониятини беради. Шу жиҳатдан қараганда, Юсуф ва Зулайхо номлари билан боғлиқ ишқий-маиший саргузашти ўзгача моҳият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу сайёр сюжет ҳар бир ижодкор қаламида янгиланди ва ҳар бири ўз ғоясини дoston мазмунига моҳирлик билан сингдира олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Тошкент. Ўзбекистон, 1997. Б-326.
2. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. — Тошкент. Ўзбекистон, 1998 й, 32-бет.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент. Маънавият, 2008. — 176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент. Ўзбекистон, 1995 й, 249-бет.

II. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент. Ўқитувчи, 1964 й, 384-бет.
2. Абдуллаев В, Б.Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари, 1977 й, 132 б.
3. Абдуллаев В.Сайланма. — Т.: Адабиёт ва санъат, 1982 й, 440-бет.
4. Абдураҳмон Жомий. Сайланма. — Тошкент. Адабиёт ва санъат, 1971 й, 357-бет.
5. Абдураҳмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. — Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. — 1971 й.
6. Адизова Иқболой. Ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент.

7. Алишер Навоий. МАТ.XVI ж. Тарихи анбиё ва ҳукамо. — Тошкент. Фан, 2000 й, 336-бет.
8. Алоуддин Мансур. Юсуф ва Нур сураларининг тавсифи. — Тошкент. Фан, 1992 й, 64-бет.
9. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. Тошкент. Фан, I жилд, 1983 й.
10. Бобожон Рамз. Юсуф ва Зулайхо. — Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2000 й.
11. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. — Тошкент. Фан, 1974 й, 152-бет.
12. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. — Тошкент. Ўзбекистон, 1993 й, 192-бет.
13. Жомий ва Навоий. — Тошкент. 1989 й.
14. Каримов Ҳ. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. — Тошкент. Ўқитувчи, 1987 й, 320-бет.
15. Кароматов . қуръон ва ўзбек адабиёти. — Тошкент. Фан, 1993 й, 96-бет.
16. Маллаев Н.М Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. — Тошкент. Ўқитувчи, 1965 й, 748-б.
17. Маллаев Н.М. Абулқосим Фирдавсий. — Тошкент. Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт, 1962 й, 91-бет.
18. Маънавият юлдузлари. — Тошкент. 2001 й, 221-бет.
19. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. — Тошкент. Ёзувчи, 1990 й, 240-бет.
20. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. — Тошкент. Ёзувчи, 1991 й, 273-бет.
21. Орзибеков Р. XIX аср ўзбек адабиёти тарихига доир материаллар (Каттақўрғон шоирлари). — Самарқанд, 1985 й, 103-бет.

22. Равшан Олим. Туркий Юсуф ва Зулайхо. — Тошкент. 1995 й.
23. Расулов Х. Ўзбек классик шеъриятида халқчиллик. — Тошкент. Фан, 1982 й, 136-бет.
24. Раҳмонов В. Шеър санъатлари.
25. Санаев И. Олим Девона. — Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й.
26. Санаев И. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити. — Т.ошкент. “Tafakkur” нашриёти, 2009 й.
27. Таъбирномаи Юсуф алайҳиссалом. — Тошкент.Ўзбек маскани, 1990 й, 31-бет.
28. Уч булбул гулшани. Дурбек. Юсуф ва Зулайхо. — Тошкент. Адабиёт ва санъат, 1986 й, 248-бет.
29. Ўзбек Совет Энциклопедияси. I жилд. — Тошкент. 1976 й, 656-бет.
30. Қаямов А. Назм ва тафаккур қуёши. — Тошкент. 1992 й.
31. Қуръони Карим. — Т.ошкент. Чўлпон, 1992 й, 544-бет.
32. Ҳайдаров С. Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони. Тошкент.1959 й.
33. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг методи тарихидан. — Тошкент. Фан, 1970 й, 330-бет.
34. Ҳакимов М. Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг изоҳли луғати, 1982 й, 4-сон, 67-бет.
35. Ҳожаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. — Тошкент. Шарқ, 1998 й, 193-бет.
36. Ҳожаҳмедов А. Мумтоз бадийят малоҳати. — Тошкент. Шарқ, 1999 й, 240-бет.
37. Шомухамедов Ш. Абдурахмон Жомий (ҳаёти ва ижоди). — Тошкент. 1963 й.

III. ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТЛАРИ

1. Кароматов Х. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент. 1993 й.
2. Остонақулов И. “Қисаса-р-Рабғузий” адабий асар. — Тошкент. 1993 й.
3. Сафарова Х. Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом” асари манбалари. — Самарқанд, 2001 й.
4. Санаев И. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити. — Тошкент. 2001 й.
5. Ҳайдаров С. Ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланишида Дурбекнинг роли. филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент. 1962 й,

IV. ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ

1. Абдулҳамид Қурбонов. “Юсуф ва Зулайхо” қиссасининг ижодий талқинлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997 й, №1, 47-50-бетлар.
2. Иброҳимова Э.Жомий талқинида Зулайхо образи. Адабий мерос. 1990 й. 2(52)-сон. 43-48-бетлар.
3. Ирисов А. Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси” // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1971, №2, 55-59-бетлар.
4. Исламов Х. Шоҳаким Холиснинг “Юсуф ва Зулайхо” қўлёзмаси. Адабий мерос. 1982 й. 3(23)-сон. 80-81-бет.

5. Мирзоев А.А. Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида А.Навоий образи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №1, 19-25-бетлар.
6. Расулов.Х. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида фольклор анъаналари ва новаторлик. Адабий мерос. 1974 й. №9, 15-22-бетлар.
7. Раҳмонов В. Матн ва матншунослик, Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 й, 10-12-сон.
8. Санаев И. Умид қанот бағишлайди // Шарқ юлдузи, 2000 й, №5-6, 64-65-бетлар.
9. Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” достонининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж қўлёзмаси ҳақида. Адабий мерос. 1973 й. №3. 152-157-бетлар.
10. Фозилов Э, Лапасов Ж. “Юсуфу Зулайхо” достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974 й, №1, 24-28-бетлар.
11. Ҳайдаров С. Дурбек ижодини ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961 й, №5, 50-52-бетлар.
12. Ҳасанов Н. “Қисаси Рабғузӣ”да Юсуф пайғамбар образи талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996 й, 193-бет.
13. Эшонбобоев А. Матншунослик ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002 й, 2-сон.
14. Қажумов А. Ўзбек адабий манбашунослиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987 й, 5-сон.
15. Қуръон. Юсуф сураси // Шарқ юлдузи, 1990 й, 11-сон, 167-176-бетлар.
16. Шодиев Э. “Юсуф ва Зулайхони ким ёзган?” // Шарқ юлдузи, 1990 й, №7, 151-154-бетлар.
17. Э. Бертельс узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосиф прекрасном. Алманах; 1944.
18. Юсуф алайҳиссалом қиссаси // Шарқ юлдузи, 1991 й, 12-сон.

V.АДАБИЙ МАНБАЛАР

- 1. Холис. Юсуф ва Зулайхо. Қўлёзма инв. Рақами 1391 .**